БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 168 (19. 244). ● 1985 йил 26 июль, жума ● Баҳоси 3 тийин.

● ШОНЛИ ЗАФАРЛАРИМИЗ — КПСС XXVII СЪЕЗДИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XXI СЪЕЗДИГА!

● МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРИНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРАЙЛИК!

● ЗАРБДОР ЎН КУНЛИКЛАР ИЛҒОРЛАРИДАН ИБРАТ ОЛАЙЛИК!

• ТАШАББУСКОРЛАР ЙЎҚЛАМАСИ

МУҚОБИЛ ПЛАН АСОСИДА

Телефонда — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчилар бригадаси бошлиғи, Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени нишондори, СССР Давлат мукофоти лауреати Иван БАСАНЕЦ

— РАПОРТ: КПСС XXVII съезди шарафига бошланган 27 зарбдор ўн кунликнинг олтинчисини барвақт якунладик. У ўтган ўн кунликлар ичида энг самаралиси бўлди: вақтдан ютдик, унумдорлик ошди, сифат яхшиланди, топшириқни етти кунда бажардик. Меҳнат унумдорлиги планга қўшимча 1,7 процент ўсди. Фрезерлик дастгоҳларидан чиққан ҳамма деталь ва қисмлар биринчи тақдимдаёқ аъло сифат билан қабул қилинди. Меҳнат календаримизда 1986 йил бошланди...

Бу ютуқларга биз ўн кишилик бригадамиз аъзоларининг ташаббускорлиги, омилкорлиги ва ишга ижодий ёндашуви туфайли эришдик. Ҳаммамиз фрезерчиликдан ташқари слесарлик касбини ҳам ўзлаштириб олдик. Ишга кечикиб келиш, прогул қилиш, ўринсиз танаффусларга чиқиш, ишдан рухсат олиш ва ниҳоят ичкиликбозлик ҳолларига қатъиян чек қўйдик. Мана шу омиллар ишимиз ривожига ривож қўшди, тартиб-интизомни мустаҳкамлади, ишга ва бурчга бўлган масъулиятни кучайтирди. Айрим нуқсонларни ва камчиликларни муваффақиятли бартараф этишга имкон берди. **«Модомики шундай экан»**, — деб уқтирган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев, **—бугунги кунда оммаонинг ижтимоий ташаббусига имкони борича кенг уфқ очиб қўйиш, бу ташаббусни социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг туб проблемаларини ҳал этишга қаратиш муҳимдир».**

Биз бригадамиз аъзолари билан бўлган йиғилишда ана шундай туб проблемалардан бири — резерврларни қидириб топиш ва уларни ҳаракатга келтириш кераклигини қайд этдик.

— Резерврлар кўп,— деди сўзга чиққан ҳамкасбим Таҳлат Қўчқоров. — Масалан, муқобил планлар қабул қилишни олинг. У— мусобақани ривожлантиришда янги босқич. Кимки зиммасига муқобил план олса, шубҳасиз у бунинг уддасидан чиқиш учун резерврлар қидиришга, иш жараёнларининг одатдаги доирасидан чиқиб, кенгроқ кўламда фикрлашга, меҳнат малакасини ошириш-га, кўпроқ ва яхшироқ маҳсулот тайёрлашга интилади. Атрофидагилардан ҳам шундай ишлашни, фикрлашни кутади. Ишга эндигина келган ёшларга, шогирдларига, талабчан бўлади.

Талъат тўғри айтганди. Барча унинг фикрини қувватлади. Зиммамизга муқобил план олдик: йиллик топшириқни шонли воқеа—стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигигача бажаришга, меҳнат унумдорлигини планга қўшимча (йиллик топшириққа нисбатан) 1,6 процент оширишга, тежаб қолинган хом ашё ва материаллар ҳисобига бир кун ишлаб беришга қарор қилдик. Касбдошларим Рамзиддин Тожиев, Эдуард Бойко, Сергей Косарев, Левв Тен, Равиль Жалилов ва ҳатто ўғлим (у ҳам бригадамиз аъзоси) Виктор Басанец ўз шогирдлари билан фрезерчилик ҳамда слесарлик участкаларида смена топшириқларини муттасил 130-137 процент бажаришга сўз беришди.

Меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасига ўтдик. Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш йўлларини қидирдик. Бригада ички социалистик мусобақасини уюштирдик. Ниҳоят кейинги ўн кунликдаёқ эришган натижаларимизни рапортимиз орқали кўриб турибсиз. Қолаверса, уларга биз ўн кунда эмас, етти иш кунида эришдик! Резервда қолган уч кун ичида эса еттинчи зарбдор ўн кунлик ҳисобига ишладик.

Мақсадимиз — зиммамизга олган муқобил планимизни тўла амалга ошириб, партиямизнинг олий анжуманини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш!

РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

Ўн биринчи беш йиллик якунловчи босқичга кирди. КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, республикамиз меҳнаткашлари саноат ишлаб чиқаришини юксалтириш суръатларини оширишнинг янги-янги резервларини ишга солмоқдалар. Корхоналарни реконструкциялаш — бу резерврларнинг энг асосийсидир.

Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш, замонавий машина-ускуналар билан жиҳозлаш бугунги ғоят муҳим вазифа бўлиб турибди. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда алоҳида таъкидланганидек, ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулот сифатини оширишнинг ҳамма резервларини қидириб топиб, ишга солиш орқали меҳнат унумдорлигини кўтариш, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш экономикани интенсив тараққий эттиришнинг бош йўлига айланди. Бинобарин, кадрларимиз ҳар бир корхонани, тармоқни интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш ҳаётий зарурат эканини обдон тушуниб олишлари керак.

Республикамиз Совет Иттифоқи қардош халқлари оиласида қудратли ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлди. Ҳозир Ўзбекистонда 74 миллиард сўмликдан ортиқ асосий фондлар мавжуд. Ўн биринчи беш йилликкинг ўзидагина асосий фондлар 30 процент ортди. Индустриямизнинг 1500 дан знёд корхона ҳамда бирлашмалари, қариб 240 та комплекс механизациялашган, автоматлашган корхонаси экономика тараққиётига баракали таъсир кўрсатяпти.

Гап ана шу фондлар самарадорлигини ошириш ҳақида бормоқда. Бу соҳада ибратли тажрибалар ҳам озмунча эмас. Тошкентдаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси маблағларнинг асосий қисмини реконструкциялаш, цех ҳамда участкаларни янги техника билан жиҳозлаш мақсадларига сарфламоқда. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида эса фондларни янгилаш, янги техникани жорий этиш йўли билан мис олинадиган руданн қайта ишлашни икки баравар кўпайтиришга муваффақ бўлинмоқда.

Бироқ таржалик юритишнинг ўтмишда таркиб топган андозасидан ҳеч иккиланмай, дадил воз кечиш пайти келди. Илгаридан ишлаб турган кўпгина корхоналар узоқ йиллар мобайнида техникавий жиҳатдан қайта қуроллантирилмаи. Бунинг устига янги корхоналарни зўр бериб қуравериш йўлидан борилди. Шу тариқа Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида кўрсатиб ўтилганидек, бугунги кунда ишлаб чиқариш фондларининг анчагина қисми эскириб, оз самара бермоқда. Капитал ремонт соҳасидаги иш ҳажми ниҳоят даражада ортиб кетди. Фондларнинг самарадорлиги камая бошлади. Янги иш майдонлари кўпайиб, айрим жойларда ишлаб чиқаришга механизацияни жорий этиш суст лашди.

Кўпгина министрликлар ва тармоқ идораларининг раҳбарлари имкони борича кўпроқ капитал маблағ ва ресурслар ундириб олиш, камроқ план белгиланишига ўринмоқдалар. Бу ярокисиз практика самарадорликка путур етказмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик суръати, меҳнат унумдорлигининг ўсиши пасайиб бораётгани шундан далолат бериб турибди. Бир қанча корхоналарда мавжуд қувватлардан тўла фойдаланилмаслигига тоқат қилиб келиняпти. Бу, айниқса, енгил саноат корхоналарига тааллуқли.

Баъзи тармоқларда мавжуд қувватларни бекор туриб қолишнинг олдини олиш чоралари кўрилмаяпти. Бунга Самарқанд химия заводини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Корхонада олтингугурт кислотаси етишмаётганлиги сабабли олтмиш миллион сўмлик ишлаб чиқариш қувватларнинг умри зое ўтмоқда. Ўйсозлик комбинатларида ҳам шундай аҳволга барҳам берилмаган.

Машинасозлик корхоналарини реконструкция қилишни жадаллаштириш сира кечиктириб бўлмайдиган ишдир. Бу соҳада муайян ишлар олиб борилаётир. Лекин корхоналарни техникавий жиҳатдан қайта ускуналаш суръати бугунги талаблар даражасига жавоб бермайди. Индустриянинг, умуман, халқ хўжалигининг ҳозирги эҳтиёжлари машинасозликнинг тараққиётига боғлиқ бўлиб турганлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Ишлаб чиқаришни роботлаштириш, автоматлаш, электрон-ҳисоблаш техникаси билан қуроллантириш суръатлари сust.

Министрликлар ва идораларнинг партия ташкилотлари, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, касаба союзлар реконструкциялаш ишларини жадаллаштириш билан боғлиқ масалаларни вақти-вақти билан таҳлил этиб, тўпланган тажрибани оммалаштиришлари, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўришлари зарур.

Планлаштириш органлари капитал маблағларнинг умумий ҳажмида реконструкцияга сарфланадиган маблағ улушини кўпайтириб борши йўлини тутишлари лозим. Янги қурилишларсиз иш битмайди. Лекин қурилаётган объектларни синчиклаб текшириб кўриш керак. Баъзи корхоналар қурилишини жадаллаштириш, бошқаларини секинлаштириш ёки ҳатто бутунлай тўхтатиб қўйиш мумкин. Бунда оқилона йўл тутиш, энг самарали йўлни танлаб олиш талаб қилинади.

Тармоқларнинг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари ишлаб чиқариш фондларини ёппасига инвентаризация қилиш, ҳар бир корхонани ва тармоқни реконструкциялашда мавжуд шароитларни ҳисобга олишлари лозим. Бунда эскириб қолган асосий фондларни, айниқса, уларнинг актив қисмини чиқариб ташлашнинг ҳиссаси икки баравар кўпайтирилиши, ишлаб чиқаришни шунчаки янгилаш йўлидан бормай, энг янги техника жорий этиладиган, юксак иқтисодий ва социал наф келтирадиган йўлдан бориш керак.

Корхоналарни реконструкция қилиш йўли билан қайта тиклаш янгиларини қуришга қараганда қарийб икки баравар арзонга тушишини тажриба тасдиқлаб турибди. Ҳар бир бирлашма ва корхонада, ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида камроқ чиқим қилиб, иложи бўлса умуман чиқим қилмай, кўпроқ самара олиш имконини берадиган ишлаб чиқариш бўғинларини ривожлантириш доимий назоратга олиниши керак.

Вазифа — кўпроқ, арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, бутун чоралар билан самарадорликни оширишдан иборат. Бунда хом ашё, меҳнат ресурсларини кам сарфлаган ҳолда кўпроқ маҳсулот тайёрлаш имконини берадиган технологияларни жорий этишга эътибор кучайтирилиши зарур.

Корхона ҳамда бирлашмаларнинг партия ташкилотлари билан техника, мукаммал технология ва илғор иш усулларини жорий қилишда бош-қош бўлишлари, новатор ишчилар ва мутахассисларни техника тараққиёти масалаларини ҳал этишга тўла сафарбар қила билишлари, уюшқоқликни оширишлари, тартиб-интизомни қарор топтиришда ташкилотчилик кўрсатишлари муҳим роль ўйнайди. Реконструкциялаш вазифаларининг муваффақиятли бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш ғоят муҳимдир.

Техника тараққиёти — юксалишнинг қудратли қаноти. КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди шарафига авж олиб кетган социалистик мусобақа қатнашчиларининг бутун эътибори корхоналарни янгилаш, янги техника ва технологияни жорий қилиш самарадорлигини муттасил ошириб боришга қаратилиши керак.

• ЕТТИНЧИ ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ТЎЁНА

Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Мукаррам Каримова катта зафар қучди. У Москвада ўтказиладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали шарафига олган мажбуриятини шараф билан бажарди. Беш йиллик бошидан бўён ўн икки йиллик топшириқ ҳажмидаги ишни муваффақиятли адо этди.

Коммунист Мукаррам Каримова корхона фахри. У ташаббускор, актив жамоатчи сифатида обрў қозонган. Ваъда бердими, албатта уни бажаради.

Ўз касби сирларини тинмай ўрганиб, маҳоратини оширади. Бугунги кунда нормадаги бешта станок ўрнига 10 та станокда ишламоқда. Ўн биринчи беш йилликкинг ўтган йиллари мобайнида у тайёрлаган газлама билан 100 мингдан кўп хотин-қизни кийинтириш мумкин. Мукаррам бирлашма хотин-қизлар кенгашининг раиси, халқ депутатлари Марғилон шаҳар Советининг депутатидир.

Ҳамкасблари меҳнат пешқадамига катта ишонч билдиришди. У ёшлар ва студентларнинг Москва фестивалида иштирок этади.

Суратда: илғор тўқувчи Мукаррам Каримова.

Ш. Алимов фотоси. (ЎзТАГ).

Ўзаро текшириш давом этмоқда

СУВЧИЛАР ТАЖРИБАСИ

«Бухоро» колхозидан Абдулла Отаниёзов бригадаси карталарининг чеккаларидаги ғўза кўсаги сони карта ўртасида қанча бўлса, шунчадир. Мироблар таклиф этган янгича эгат очиш методи карта четларини сув босиб кетишидан сақлашга имкон берди.

Улар ҳар бир даладаги дастлабки саккизта эгатни ўқ ариқларга параллель ҳолда очишга қарор қилдилар. Эндиликда ўқ ариқдан чиққан сув дастлабки эгатларда айланиб тезлигини сусайтиради ва бутун далани бир текисда сувга қондиради.

Самарқанд областидан келган ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари шу бригаданинг тажрибалари билан қизиқиб танишдилар. Мусобақадош дўстлар ғўза парваришидаги мавжуд камчиликларни ҳам айтиб ўтдилар.

(ЎзТАГ мухбири).
Қоракўл райони, Бухоро области.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Куба Республикасининг революцион байрами — Миллий қўзғолон куни муносабати билан Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастро Русга телеграмма йўллаб, Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетига, республика Давлат Кенгаши ва Министрлар Советига, бутун Куба халқига самимий қутловлар ва қизғин қардошлик саломи топширдилар.

Меҳнаткашларнинг бахт-саодати ва озодлиги йўлида жаб-зулмга қарши отланган фидокор ёш ватанпарварлар жасоратининг тарихий аҳамиятини ҳаётнинг ўзи йил сайин тобора яққол исботламоқда, дейилади телеграммада. Монкада казармасига қилинган қаҳрамонона штурм Куба халқининг миллий ва социал озодлиги учун курашида муҳим босқич бўлди, бу кураш Куба революциясининг шонли ғалабаси билан тугади.

Куба меҳнаткашлари революциядан кейинги йилларда Коммунистик партия раҳбарлигида империалистик тазйиқ, иқтисодий қамалнинг оғир шароитларида ҳаётнинг ҳамма соҳаларида чуқур ўзгартишларни амалга оширдилар, экономика ва маданиятни ривожлантиришда муҳим муваффақиятларга эришдилар. Соғлиқни сақлаш, маориф, социал таъминот соҳасидаги ютуқлар Куба халқининг фахр-ифтихори, янги тузум афзалликларининг яққол далилидир. Кубаликларнинг янги авлоди — Монкадани штурм қилган эътиқодли ватанпарварлар ва интернационалистларнинг муносиб лойиқ ўсиб етишди ва чиниқди.

Куба Республикасининг халқаро майдондаги обрў-эътибори юқоридир. У социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлашга, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга, халқларнинг тинчлик, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун курашига, адолатли ва демократик асосда янги халқаро иқтисодий тартибнинг қарор топишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатларимиз, партияларимиз ва халқларимизнинг ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги ҳамкорлиги юксак даражада эканлиги Совет Иттифоқида зўр қониқиш уйғотмоқда. СССР билан Куба ўртасида дипломатия муносабатлари тикланганлигининг 25 йиллиги кенг байрам қилингани марксизм-ленинизм, социалистик интернационализм принциплари Совет—Куба қардошлик муносабатларининг ўзгармас негизи эканлигини тасдиқлади. Совет кишилари, деб таъкидланади телеграммада, қаҳрамон Куба халқи билан дўстликни бундан буён ҳам мустаҳкамлашга, ҳамма соҳалардаги ҳамкорлигимизни такомиллаштириш ва чуқурлаштиришга қатъий аҳд қилганлар. **(ТАСС).**

КЛУБ ОЧИЛДИ

Совет Армияси Марказий уйида 24 июль куни Ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивалига келган СССР делегацияси клуби очилди.

Москванинг хушманзара жойларидан бири, Коммуна майдонида шу куни минглаб киши тўпланди. Бу ерда анжуман делегатлари ва меҳмонлари, ишчилар, ижодкор зиёлилар, студентлар, туристлар бор эди.

СССР делегацияси составида мамлакатнинг 57 миллат ва элати намояндалари бўлган икки минг йигит ва қиз бор. Уларнинг ҳар тўртинчиси ишчи, ўнинчиси колхозчи. Студентлар, илмий ходимлар ва ижодкор зиёлилар делегацияларнинг анчагина қисмини ташкил этадилар. Совет делегацияси аъзоларидан 150 киши Ленин комсомоли мукофоти лауреатидир.

Совет Тайёргарлик комитетининг раиси, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Мишин клубни очиш маросимида нутқ сўзлади. **(ТАСС).**

СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Советининг 24 июль куни бўлиб ўтган мажлисида 1985 йилнинг биринчи ярмида СССР-ни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани билан СССР Давлат бюджетининг бажарилиш якунлари кўриб чиқилди. СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси Н. К. Байбаков ва СССР молия министрининг биринчи ўринбосари В. В. Деменцев шу масалалар юзасидан доклад қилдилар.

Партиянинг катта ташкилотчилик ишлари ва совет халқининг КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми қарорларини, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгаш йўл-йўриқларини амалга ошириш борасидаги фидокорона меҳнати, шунингдек партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа авж олдириб юборилганлиги натижасида мамлакат экономикасини ва аҳоли фаровонлигини янада ўстиришга эришилди. Халқ хўжалигини ривожлантиришда қиш даврида йўл қўйилган қолоқликка босқичма-босқич барҳам берилмоқда.

Саноат маҳсулоти реализация қилиш биринчи ярим йиллик плани бажарилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,1 процентни, шу жумладан иккинчи кварталда 4,2 процентни ташкил этди. Иқтисодий экспериментда қатнашаётган министрликлар ишда юксак роқ кўрсаткичларга эришдилар.

Янги техника ва илғор технологияни жорий этиш миқёслари кенгаймоқда. Биринчи ярим йилликда саноатда 4 мингга яқин механизациялаштирилган поток, автомат ва ротор линиялар жорий этилди, 2 мингдан кўпроқ участка, цех ва корхона комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди, саноат маҳсулотининг 1,5 мингта янги тури ишлаб чиқарила бошланди.

Колхоз ва совхозларда чорва қишлови асосан муваффақиятли якунланди, кўкламги дала ишлари яхши ўтказилди, дон экинлари ҳамда интенсив технология бўйича етиштириладиган бошқа қишлоқ хўжалик экинлари майдони кенгайтирилди, оммавий равишда ем-хашак тайёрлаш ишлари авж олиб кетди, мамлакатнинг жанубий районларида эса ҳосилни йиғиштириб олиш бошланди. Чорва, парранда, сут ва тухум харид қилиш кўпайди.

Совет кишиларининг моддий ва маданий турмуш даражаси муттасил ошиб бораётган. 1984 йилнинг биринчи ярмига нисбатан ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 2,2 процент ошди, чакана товар оборотининг 2,5 процент ва аҳолига маиший хизмат ҳажми 5,4 процент кўпайди. Давлат капитал маблағлари ҳисобига жами саҳни 28 миллион квадрат метрга борадиган уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди, кўплаб мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, касалхоналар, мактабгача тарбия болалар муассасалари ҳамда бошқа социал-маданий ва маиший объектлар барпо этилди.

Шу билан бирга, СССР Министрлар Советининг мажлисида қайд этиб ўтилганидек, ҳозирча саноат ишлаб чиқаришини барқарор кўпайтириб боришга эришишга муваффақ бўлинмади, халқ хўжалигининг барча тармоқлари ҳам 1985 йилги план топшириқларининг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган суръатларга эришди, деб бўлмайди, уларнинг айримлари июль ойида ҳам қониқарсиз ишлашни давом эттирмоқда. Кўпгина министрликлар мавжуд резервлардан етарлича фойдаланмаяптилар, ишлаб чиқариш самардорлигини оширишга тегишлича эътибор бермаяптилар, хўжаликни интенсивлаш йўлига ўтказишда сусткашлик қилмоқдалар. СССР Нефть саноати министрлиги, Кўмир саноати министрлиги, СССР Қора металлургия министрлиги, СССР Химия саноати министрлиги, Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлиги, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, СССР Ўрмон-целлюлоза-қоғоз саноати министрлиги ва микробиология саноати бош бошқармаси маҳсулот реализация қилиш планларини бажармадилар. Натура ҳолида маҳсулот ишлаб чиқариш план топшириқларидан орқада қолмоқда. Кўпгина бирлашмалар ва корхоналар маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини бузмоқдалар. Ишлаб чиқариш ва бошқа объектларни ишга туширишга топшириқларини қониқарсиз бажарилмоқда, ажратилаётган ресурслар кўпинча кўпдан кўп қурилишларга сочиб юборилмоқда. Чакана товар оборотининг плани бажарилмади, саноат, қурилиш ва темир йўл транспортида меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириқларини бажаришда жиддий қолоқликка йўл қўйилди, меҳнат унумдорлигини ўстириш билан иш ҳақини ошириш ўртасидаги мутаносиблик бузилди.

СССР Министрлар Совети министрликлар, СССР идораларининг раҳбарлари ҳамда иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг зиммасига биринчи ярим йилликда план топшириқларини бажаришда йўл қўйилган қолоқлик сабабларини пухта таҳлил этиш ҳамда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг халқ хўжалигининг шу йил биринчи ярмидаги иши якунлари бўйича чиқарган қарорига амал қилиб, 1985 йилнинг иккинчи ярмида мавжуд резервларни сафарбар этиш ҳамда ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини оширишнинг комплекс тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш, йилнинг қолган вақтидан хўжалик фаолиятидаги камчиликларни тезроқ бартараф этиш учун фойдаланиш, меҳнат коллективлари беш йилликкинг якунловчи йили учун қабул қилган социалистик мажбуриятларини, ҳамда план топшириқларини тўла ва ошириб бажариш, КПСС XXVII съездини меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олиш учун ҳамма зарур ишларни амалга ошириш, ўн иккинчи беш йилликни муваффақиятли бошлаб юборишу учун мустаҳкам асос яратиш вазифасини юклади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб КПСС Марказий Комитетида ўтказилган Кенгашда ишлаб чиқилган йўл-йўриқларнинг ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, СССР Министрлар Совети министрликлар, идоралар ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари зиммасига бу йўл-йўриқларни бундан буёнги фаолиятларига асос қилиб олиш вазифасини юклади. Халқ хўжалигини тубдан интенсивлашга бўриб юборишни, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашни таъминлайдиган фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан ғоят кенг миқёсда фойдаланиш зарурлигига эътибор жалб этилди. Етказиб берилмаган маҳсулот ўрнини энг кўп даражада қоплаш лозим. 1985 йилнинг иккинчи ярмида маҳсулот ҳажмининг бутун ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бўлиши керак. Бошқариш ва хўжаликни юритишнинг янги методларини практикага активроқ жорий этиш, тежамкорлик режимини кескин кучайтириш, уюшқоқлик ва интизомни, кадрларга нисбатан талабчанликни бутун чоралар билан ошириш лозим.

Қабул қилинган қарорда бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларни кузги-қишки мавсумда узлуксиз ва бир маромда ишлаши учун олдиндан тайёрлаб қўйиш топшириғи кўзда тутилган, бунда ўтган йилги сабоқлардан ғоят жиддий хулосалар чиқариб олиш лозим. Бутун халқ хўжалигининг иши кўп жиҳатдан ёқилғи-энергетика тармоғи ва оғир саноатнинг бошқа тармоқлари ишига боғлиқдир. Шу сабабли кучғайратларни бу тармоқларни ривожлантиришга қаратиш керак. Ишга туширилаётган энг муҳим объектларни фойдаланишга топшириш таъминлансин.

Ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олиш, уни сақлаб қолиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни таъминлаш юзасидан тегишли органларга топшириқлар берилди. Мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўйиш мақсадида хўжаликлар ва агросаноат бирлашмаларининг барча ресурс ва имкониятларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, давлатга дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари сотиш планларини тўла ва ошириб бажаришга сафарбар этиш керак. Хўжаликларнинг ўзида дала ва тўйимли озуқа тайёрлаш суръатларини анча кучайтириш, барча колхоз ва совхозларда гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни янада кўпайтириш учун етарли миқдорда озуқа запаси бўлишига эришиш лозим.

СССР Олий Советининг 1985 йил 3 июлдаги қарорига биноан СССР министрликлари ва идораларига ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига атроф-муҳитни муҳофаза қилишни янада кучайтириш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш ишлари даражасини ошириш топширилди.

СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришлари ва сифатини яхшилашлари зарур. Савдони яхшилаш, чакана товар оборотн ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш планлари бажарилиши юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

СССР Министрлар Совети барча хўжалик органларининг диққат-эътиборини бешинчи йилликнинг якунловчи йили планларини бажаришни партия XXVII съездига тайёргарлик ишлари билан уйғунлаштиришга қаратди.

СССР Министрлар Советининг мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. И. Воротников ва Н. И. Рижков қатнашдилар.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов нутқ сўзлади. **(ТАСС).**

ФАҚАТ ОЛИЙ СИФАТ БИЛАН

Андижон трикотаж фабрикасида фақат олий сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи иккита ихтисослаштирилган поток линия ишга туширилди. Бу ерда ажойиб мастерлар ва техниканинг сарҳили тўпланган. Бу гўё бутун корхона бўлажак қиёфасининг намунасидир. Корхона коллективининг социалистик мажбуриятида шундай поток линияларни яратиш кўзда тутилганди.

Янги линиялар ҳар ойда 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Булар «Янгилик» (Н) индекси билан ишлаб чиқарилаётган ип газламадан тўқилган маҳсулотдир. Модадаги буюмларни ишлаб чиқаришни тезлаштириш мақсадида уларга шартнома нархлари белгиланиб, фирма магазинларида сотилади. Бу ерда болалар костюмларининг тўрт хил моделн, шунингдек ёпларнинг кийим-кечаги тикилмоқда. Барча буюмларнинг фасонини фабрика инженерлари савдо ходимлари билан биргаликда аҳоли эҳтиёжини ўрганиш натижасида танлашди.

Йил охиригача яна юқори сифатли иккита поток линияни ишга туширишга қарор қилинди. Ўшанда «Янгилик» индекси билан ҳар йили шартнома нархида бир миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлади. **(ЎзТАГ).**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми навбатдаги мажлисида республика халқ депутатлари Советларининг КПСС Марказий Комитети 1985 йил июль Пленуми йўл-йўриқларидан ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети учинчи сессиясининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилди.

Президиум КПСС Марказий Комитети Пленумининг жамиятимиз сиёсий системаси ҳар бир бўғини ўз зиммасига юкланган вазифани аниқ-пухта бажариши тўғрисидаги талаблари асосида республика халқ депутатлари Советларининг иш даражасига баҳо бериб, ҳали барча Советлар ҳам ўз ваколатларидан етарлича қатъият билан фойдаланмаётганлигини, ўз территорияларининг иқтисодий ва социал-маданий ривожланиш планлари бажарилишини, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлиги оширилишини, Озиқ-овқат программаси топшириқлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирлари сўзсиз рўёбга чиқарилишини таъминламаганлигини қайд этиб ўтди.

Хўжалик ва маданий қурилишнинг барча йўналишларида Советларнинг фаолиятини янада активлаштириш, уларнинг раҳбарлик услуби ва методларини такомиллаштириш, экономикани интенсивлаш изига ўтказишнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларига эътиборни кучайтириш, бошқаришнинг, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали формаларини жорий этиш, иқтисод ва тежамкорлик режимига қатъий риоя этиш, давлат, план ва меҳнат интизомини, қонунчилик ва тартибни мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди.

Советлар социал масалаларни ҳал этишга, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни ҳар томонлама яхшилашга, аҳоли ўртасида сиёсий-тарбиявий ва маданий-оммавий ишларни ўтказишга ҳам эътиборни қаратишлари лозим.

Советлар КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мақсадида ўзлари эга бўлган ҳуқуқлардан, демократик фаолият формаларидан тўлиқроқ ва кенгроқ фойдаланишлари, депутатларнинг активлигини оширишлари, қабул қилинган қарорлар ва сайловчиларнинг наказлари ижро этилиши устидан контролликни ташкил этиш борасидаги ишларни кучайтиришлари, меҳнат коллективларида КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришга бутун чоралар билан кўмаклашишлари керак.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Саноат ҳамда Фан ва техника доимий комиссияларининг «Республика илмий-тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик ташкилотларининг қишлоқ хўжалиги учун янги техника яратиш соҳасидаги иши тўғрисида»ги ҳати кўриб чиқилди. Республикада қишлоқ хўжалигини механизациялаш уни серунум машиналар билан таъминлаш борасида йирик тадбирлар амалга оширилаётганлиги қайд этиб ўтилди. Шу билан бирга колхоз ва совхозларда мавжуд бўлган машиналар парки ҳали етарлича иқтисодий самара бермаяпти. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ўстириш планлари бажарилмаяпти, меҳнат сарфи ҳажми юқори даражада. Бу кўп жиҳатдан машиналарни эксплуатация қилиш, сақлаш, ремонт қилишни ташкил этишдаги камчиликлар билан, шунингдек қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқиш билан банд бўлган илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг иши паст даражада эканлиги билан изоҳланади. Шу ташкилотларнинг идоравий тарқоқлиги, ишдаги ноҳамжиҳатлик, илмий-тадқиқотлар, машиналарни лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш бўйича ягона марказнинг йўқлиги оқибатида пахтачиликни ва бошқа тармоқларни комплекс механизациялаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш чўзилиб кетди. Айни вақтда ўнлаб ташкилотлар (уларнинг кўпчилиги зарур экспериментал базага, малакали кадрларга эга эмас) маҳкамачилик манфаатларига амал қилиб, кўпинча ўзларининг асосий вазифаларини бажаришга зарар етказган ҳолда пахта териш машиналарини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқдалар. Натижада янги туркум машинасини яратиш асоссиз равишда чўзиб юборилди. Кўпинча қишлоқ хўжалик машиналари зарур фундаментал пишиқтиришлар ва назарий асосларсиз ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда, жиддий конструкция нуқсонлари билан ишлаб чиқарилмоқда.

Қабул қилинган қарорда Президиум Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тармоқ комплекс программаси ва аниқ-пухта шартнома муносабатлари асосида қишлоқ хўжалик машинасозлиги соҳасида илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари фаолиятига раҳбарликни таъминлаш лозим бўлган ягона марказни ташкил этиш борасидаги зарур тадбирларни амалга оширишни таклиф этди, бу эса ечимлар сифатини оширишга ҳамда истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжларига мос келадиган техникани яратишга кўмаклашади.

Халқ депутатлари Советлари депутатларининг сайловчилар ҳузуридаги ҳисоботларини ташкил этишни яхшилаш тўғрисидаги масала ҳамда республика давлат ҳаётига оид бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Чет эллларда

ВОКЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

26 ИЮЛЬ — КУБА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — МИЛЛИЙ ҚЎЗҒОЛОН КУНИ

БУНЁДКОРЛИК ЙИЛЛАРИ

Ҳар бир халқ, ҳар бир мамлакат ҳаёти тарихида унутилмас кунлар бўлади. Дунёнинг Ғарбий ярим шаридаги биринчи социалистик мамлакат — Куба Республикаси учун 1953 йилнинг 26 июли худди шундай кун бўлиб қолди. Айни шу куни Фидель Кастро бошчилигидаги бир группа ватанпарварлар Батиста диктатурасининг истеҳкоми — Сантьяго-де-Куба шаҳридаги Монкада казармасига ҳужум қилдилар. Ғарчи бу ҳужум ғалабага олиб келмаган бўлса-да, у сотқин мустабид режимга қарши умумхалқ кураши алангаси учун учқун бўлди. Монкада казармасига қилинган ҳужум Куба революциясининг дебочаси бўлди. Орадан беш ярим йил ўтгач қаҳрамонона кураш ғалаба билан якунланди.

Куба революцияси, Америка тупроғида биринчи социалистик давлатнинг вужудга келиши бутун жаҳонга ўз мамлакатининг хўжайини бўлиб олган халқ нималарга қодирлигини амалий равишда кўрсатди. Озодлик ороли халқига социалистик жамиятни АҚШ империализми доимий таҳдиди остида, ўтмишдаги мустамлакачиликнинг оғир асоратларини бартараф қилиб бунёд этишга тўғри келди. Ўтган йиллар ичида халқнинг турмуши таниб бўлмас даражада ўзгарди. Мисли кўрилмаган қисқа муддатда—бор-йўғи бир йил ичида мамлакатда саводсизлик тугатилди. Ҳозир ҳар уч кубаликдан бири, мактаб ёшидаги барча болалар ўқимоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалиги муваффақиятли ривожланмоқда.

Социалистик Куба муваффақиятлари Африка, Осиё ва Лотин Америкасидаги ёш ривожланаётган мамлакатлар халқлари учун илҳомлантирувчи намуна бўлиб хизмат қилаяпти.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг қардошларча ёрдамига таянаётган Куба меҳнаткашлари ўз олдидаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқдалар.

Суратда: Озодлик оролининг пойтахти — Гавана шаҳри.

Г. Надеждин фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

● **ЛЕНИНГРАД**

Ленинград яқинидаги 20-ҳунар-техника билим юрти СССР Фанлар академияси илмий-техника бирлашмаси учун ишчи кадрлар тайёрлаб беради. Бу ерда ўқувчилар бирлашма мутахассислари раҳбарлигида илмий асбобсозлик асосларини эгаллайдилар. Улар ҳунар-техника билим юртининг устахоналарида экспериментал аппаратлар ва асбоблар учун, мамлакатдаги илмий-тадқиқот марказлари учун комплектловчи деталлар тайёрлайдилар.

* * *

В. И. Ульянов (Ленин) номидаги электротехника институтида дисплей ўрнатилган ҳисоблаш марказ очилди. Ленинграддаги энг йирик фирмалар асбоб-ускуналарни ҳисоблаш марказига ижарага берди. Олий ўқув юрти шу фирмалар учун ҳисоблаш техникаси соҳасида иш кўрувчи мутахассислар тайёрлаб беради ва Ленинград саноати буюртмалари асосида тадқиқот ишларини олиб боради.

● **УСТЬ-КАМЕНОГОРСК**

Темир-терсакни комплекс қайта ишлайдиган Усть-Каменогорск заводи ишга тушди. Корхона иш бошлаган дастлабки сменалардаёқ металлургия саноати учун мунтазам равишда хом ашё етказиб бера бошлади. Бу ерда металл массани пресслашдан иборат илғор усул ўзлаштирилди. Бу эса махсулотни қайта ишлаш муддатларини бир неча марта қисқартириш ва уни ҳар бир составга аввалдагига қараганда уч баравар кўпроқ ортиш имконини берди. Пресслланган металл пўлат эритувчилар учун сифатли ва тежамли хом ашёдир. Янги корхона Қозоғистоннинг шимолий областларидан темир-терсак келтиришни анча кўпайтириш имконини берди.

● **ОРЖОНИКИДЗЕ**

Шимолий Осетия колхоз ва совхозларида ем-хашак тайёрлаш юзасидан республика зарбдор ойлиги бошланди. Хўжалик ҳисоби усулида ишлаётган ихтисослашган хўжаликлараро отрядлар баланд тоғлардаги ўтлоқларда, бедапояларда, қайирларда, ўрмондаги йўл четлари ва сув ҳавзалари бўйларида ўт ўришга киришдилар. Ишнинг ана шундай ташкил этилганлиги ўт ўриш муддатларини анча қисқартириш, ем-хашакдаги қимматли тўйимли моддаларни сақлаб қолиш имконини беради.

● **РИГА**

Латвия студентларининг «Данцис» ансамбли ўз тенгқурлари ўртасида халқ рақси санъатини тарғиб қилмоқда. Бу ансамбль Ёшлар ва студентлар XII Жаҳон фестивали маданий программасининг қатнашчиси сифатида шу фестивалга таклиф қилинган. Коллективнинг ижодий биографияси ҳам диққатга сазовордир. Ансамбль Буюк Ғалабанинг тенгдоши: немис-фашист босқинчилар Латвия территориясидан ҳайдаб юборилгандан кейин дарҳол ўз концерт фаолиятини бошлаб юборди. Ёш артистлар 1957 йилда Москвада ўтказилган VI фестивалда иштирок этган эдилар. Улар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ўз маҳоратларини намойиш қилишди. (ТАСС).

ТОШКЕНТ. КПСС XXVII съезди шарафига бошланган 27 зарбдор ўн кунликлар социалистик мусобақаси ғолиблари ичида республика Министрлар Совети қошидаги қурилиш конструкциялари ва ёғочни қайта ишлаб чиқариш бўйича қўёшдан муҳофаза қилиш қурилмалари Бош бошқармаси заводи коллективи ҳам бор. Корхона меҳнат аҳли ўтган ўн кунликлар давомида пландан ташқари 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Эришилган муваффақиятда В. Расторгуева, М. Бердиева ўртоқлар бошлиқ илғор бригада коллективларининг В. Ерохин, В. Тишакова каби пешқадам ишчиларининг ҳиссаси, айниқса катта.

Суратда: корхона пластмассалар цехи кесувчилар бригадасининг бошлиғи, съездолди социалистик мусобақаси ғолиби— Валентина Расторгуева.

С. Величкин фотоси (ЎзТАГ).

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ—ЮКСАЛИШ ҚАНОТИ

ИЗЛАНИШ ЙЎЛИДА

Наманган областида «Совет Ўзбекистони»нинг ўз мухбири Шайдулло ХОЛМИРЗАЕВ иш бошлади. Бугун унинг дастлабки корреспонденциясини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз

Бир-икки йил муқаддам Наманган атласи анча камёб эди. Бугунги кунда хотин-қизлар хуш кўрган ана шу сержилва кийимлик кўпайиб қолди. Шундай бўлиши табиий. Кейинги вақтда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кенгаймоқда. Хиллари кўпайиб, сифати яхшиланиб боряпти.

Намангандаги КПСС XXV съезди номли абрли газламалар комбинатида аёсан табиий ипакдан маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Корхонада йил сайин ипак газламалар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Энг муҳими маҳсулот сифати яхшиланиб, харидоргир бўляпти. Жумладан, ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йили планлари барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан бажарилди. Шу йилнинг олти ойида аҳолига планда кўзда тутилганидан 3,5 миллион сўмлик кўп маҳсулот етказиб берилди.

— Эришаётган ютуқларимизда, — дейди комбинат бош инженери М. Каримов. — фан-техника тараққиёти имкониятларидан кенгроқ фойдаланишимиз муҳим роль ўйнамоқда. Кейинги йилларда бу соҳада анчагина ишлар қилинди. Бултурнинг ўзида умумий иқтисодий самараси 431 минг сўм бўлган олтита йирик тадбир амалга оширилди.

Илмий-тадқиқот институтлари, республика Енгил саноат министрлигининг марказий лойиҳа-конструкторлик ва технология бюроси билан амалий ҳамкорлик корхонага катта наф бермоқда. Бу эса илғор технологияни, меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усулларини жадалроқ жорий этишда қўл келяпти. Ихтирочилар ва рационализаторлар ҳаракати ривожланиб бормоқда. Беш йиллик бошидан бери 457 таклиф ишлаб чиқаришга татбиқ этилиб, 1,4 миллион сўм иқтисодий тежамга эришилди.

Дарҳақиқат, фан-техника тараққиёти имкониятларидан самарали фойдаланиш комбинат коллективининг диққат марказида турибди. Ўн биринчи беш йиллик мобайнида янги техникани жорий этиш ва техникавий жиҳатдан қайта қуроллантиришга оид 62 та тадбир амалга оширилганлиги ана шуни кўрсатади. Мутахассислар нинг таъкидлашича янги техникани жорий этиш шарофати билан 2 миллион 357 минг сўмлик иқтисодий самара олинди. Ишлаб чиқаришни механизациялаш туфайли 175 кишини бошқа участкаларга ишга ўтказиш мумкин бўлди.

Янги ўрнатилган дастгоҳ ва ускуналар унумдорлиги, автоматлаштириш даражасининг юксаклиги билан диққатга сазовордир. Сўнги йилларда 16 та мураккаб илмий ечим ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу пилладан оқилона фойдаланиш, ипак сифатини яхшилаш ва дастгоҳларнинг унумдорлигини оширишга кўмаклашди. Масалан, бўяш-пардозлаш корхонасида абрли газламаларга пардоз беришнинг янги оптимал технологияси қўлланила бошланди. Натижада газламаларнинг сифати янада яхшиланди.

Ишлаб чиқаришда янги техника, илғор технологияни қўлланиш меҳнат унумдорлигининг ўсишига, механизациялаш ва автоматлаштириш даражасининг ортишига катта ёрдам бермоқда. Ишчиларнинг меҳнат шароити тобора яхшиланиб боряпти. Шундай бир қиёслашни келтириш мумкин: ўн беш йил муқаддам корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнларининг механизация даражаси 52 процентнигина ташкил қиларди. Ҳозирга келиб бу кўрсаткич 80 процентдан ортиб кетди.

Қўл меҳнати кўп ишлатиладиган жараёнларни муттасил механизациялаш туфайли корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари тобора яхшиланиб бормоқда. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш туфайли маҳсулот ҳажми сўнгги уч беш йиллиқда 20 марта ортди. Наманган шойи газламалари харидоргир бўлиб қолди. Ҳар йили 40 миллион сўмликка яқин шойи газламалар «Янгилик» индекси билан қўрсатилмоқда. Ўн биринчи беш йиллик бошидан бери меҳнат унумдорлиги 21 процент, фондлар самарадорлиги 1,6 марта ўсди.

Комбинат цехлари ва участкаларида техника тараққиёти жонкуярлари сафи кенгайиб бормоқда. Слесарь Аҳмаджон Мамажонов, электр монтёр Жўра Маҳсудов, ремонтчи-созловчи Маҳмуджон Ҳошимов, Ҳасанбой Усмонов, Муҳаммаджон Мамадиев каби янгилик ижодкорлари номини алоҳида таъкидлаш мумкин. Улар ўзларининг самарали таклифлари билан корхонанинг юксалишига баракали ҳисса қўшмоқдалар.

Корхона мутахассислари бу йил Марғилондаги тармоқ марказий илмий-тадқиқот институти ва министрликнинг марказий лойиҳа-конструкторлик ва технология бюроси билан биргаликда 13 та техникавий тадбирни қўллаш тўғрисида шартнома тузишган. Шартнома шартлари изчил амалга оширилмоқда. Натижада ҳозирдаёқ иқтисодий самараси 135 минг сўм бўлган 11 та тадбир жорий қилинди.

Кўриниб турибдики, ютуқлар чакки эмас. Бироқ давр талаби нуқтаи назаридан қаралса, корхонада ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Фан-техника жадал юксалаётган ҳозирги паллада чиқитсиз технология бўйича ишлаш долзарб вазифа бўлиб турибди. Лекин бир қатор ишлаб чиқариш жараёнларидаги номукаммаллик бунга ҳалақит бермоқда. Комбинатда ўнлаб тонна чувалган ипак ва ип, сунъий тола, пилла қолдиқлари ташланиб ётибди. Ваҳолонки, такрорий ишлов бериш йўли билан ана шу хом ашёдан ҳам тегишли маҳсулот тайёрлаш мумкин. Бу муаммони ҳал этишга комбинат инженер ва технологларининг қўли калталик қилиб турибди. Улар амалий ёрдам кўрсатишни сўраб тармоқ марказий илмий-тадқиқот институти ходимларига бир неча бор мурожаат этишди. Очиғи, бу соҳада ҳамон силжиш бўлгани йўқ. Агар бу иш ижобий ҳал этилса, катта самараларга эришилиши равшан.

Келгуси беш йилликда пилла чиқитларини қайта ишлайдиган йигирув фабрикаси қурилади. Бу, комбинатни чиқитсиз технология асосида ишлашга ўтказиш соҳасида жиддий бурилиш ясаш имконини беради. Шунингдек, кўпгина технологик жараёнларни автоматлаштириш тадбирлари амалга оширилади. Ҳозир мокисиз тўқув дастгоҳларини синаш ишлари бошлаб юборилган. Уларда беқасам тўқилади.

Наманган тўқувчилари техника тараққиёти туфайли ривожланишнинг ойдин йўлига тушиб олдилар. Улар шу йўлдан дадил бориб, КПСС XXVII съездини ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездини янги меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олиш учун мусобақани авж олдирмоқдалар.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, «Совет Ўзбекистони»нинг Наманган область мухбири.

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

НОРОЗИЛИК ТЕЛЕГРАММАСИ

Жаҳон Касаба союзлари Федерациясининг секретариати Жанубий Африка Республикасининг ирқчи режимига норозилик телеграммаси юборди.

Телеграммада, жумладан Жаҳон Касаба союзлари Федерацияси Жанубий Африка Республикасида репрессияларни кучайтиришга қаратилган фавқулодда ҳолат эълон қилинганлигига қарши кескин норозилик билдиради, дейилади. Федерация Жанубий Африка Республикаси режимининг апартеидга қарши курашчиларни шафқатсиз ўлдираётганлигини, ялпи қамоққа олиб, бошқа жазо чораларини кўраётганлигини кескин қоралайди. Жаҳон Касаба союзлари Федерацияси ўзининг 200 миллиондан кўпроқ аъзолари номидан Жанубий Африка Республикасида репрессияни дарҳол тўхтатишни, турмаларда ётган Нельсон Манделани ҳамда бошқа барча кишиларни озод қилишни, Жанубий Африка Республикасидаги инсониятга қарши апартеид системасини тугатишни талаб қилди.

ОҚ УЙДА МУЗОКАРАЛАР

Оқ уйда АҚШ президенти Рональд Рейган ва бу ерга расмий визит билан келган Хитой Халқ Республикаси раиси Ли Сяньянн ўртасида музокаралар бошланди.

АҚШ маъмуриятининг бошлиғи яқинда операция қилинганлиги туфайли Хитой Халқ Республикаси раисини Оқ уйда расмий кутиб олиш маросими одатдагидан қисқа бўлди. Президент Рейган АҚШ билан ХХР «муҳим муштарак манфаатлар»га эгадир, деб айтди.

Хитой раҳбари ўз навбатида ўзининг АҚШга келишидан мақсади ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш, икки томонлама муносабатларни ҳамда ХХР ва АҚШ халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдан иборат, деб айтди.

МУРАККАБ ПРОБЛЕМАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Брюсселда Европа ҳамжамиятининг ташқи ишлар министрлари даражасидаги министрлар кенгаши сессияси ўз ишини тамомлади.

«Умумий бозор» аъзоси бўлган мамлакатларнинг ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари икки кун мобайнида ҳамжамиятни анчадан буён ташвишлантириб келаётган проблемаларни муҳокама қилдилар. Булар орасида ўн мамлакат раҳбар органларининг миллий функцияларини кучайтириш ҳамда шу мақсадда Европа Иқтисодий ҳамжамиятини тузиш тўғрисидаги шартномаларни ўзгартириш масалалари бор. Министрлар ҳамжамият доирасида мустаҳкам сиёсий иттифоқ тузиш ҳамда бу биқиқ гуруҳнинг раҳбар органлари функцияларини кучайтириш мақсадида шу йил 9 сентябрда Люксембургда ҳукуматлараро конференция чақириш ҳақида келишиб олишди.

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Афинада олти давлат ҳукуматлари вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Деҳли декларациясини ёқлаб, чиққан бу давлатларнинг учрашуви ядро қуроли ва уни элитиш системаларини синаш, ишлаб чиқариш ва авж олдиришни батамом тўхтатишга, қуролланиш пойгасининг космик фазога олиб чиқилиши олдини олиш ҳамда ядро қуроли синовларини батамом тўхтатиш тўғрисидаги шартномани тузишга даъват этди. Аргентина, Греция, Ҳиндистон, Мексика, Танзания ва Швеция вакиллари қатнашган учрашувда мазкур мамлакатлар ҳукуматларининг бошлиқлари шу йил октябрь ойида Нью-Йоркда яна учрашишга аҳдлашиб олишди. (ТАСС).

КОБУЛДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Кобулда бўлиб ўтган матбуот конференциясида демократик Афғонистонга қарши эълон қилинмаган уруш давом этаётганини ҳамда Афғонистон Демократик Республикасининг ички ишларига Покистон ҳамон аралашаётганини кўрсатувчи янги далиллар келтирилди.

АДР хавфсизлик органлари жиноят устида қўлга туширган Покистоннинг «Си-ай-ди» разведкаси жосуслари — покистонлик Сожид Ҳусайн, Фозилур Раҳмон ҳамда афғон граждани Мусо Карим журналистларнинг саволларига жавоб беришди. Улар Покистон территориясидаги жосуслик марказлари ва лагерларида тайёргарликдан ўтганликлари, Афғонистоннинг тинч аҳолисига қарши террорчилик ҳаракатлари қилганликлари ҳамда жосуслик маълумотлари тўплаганликларини айтиб беришди.

Матбуот конференциясида Бахтар агентлигининг баёноти ўқиб эшиттирилди. Баёнотда, жумладан, Америка империализмининг қутқуси билан ҳаракат қилаётган Зиёул Ҳақнинг империалистпараст режими революцион Афғонистонга қарши урушга тобора кўпроқ тортилмоқда, дейилади. Покистон территориясида босмачилар ва қўпорувчилар тайёрлайдиган 120 марказ тузилган. Баёнотда айтилишича, Покистон афғон аксилинқилобчиларини қуроллантиришнинг асосий манбаига, АДРга қарши олиб борилаётган агрессия ва қўпорувчилик ҳаракатларининг плацдармига айланган. Марказий разведка бошқармасининг назорати остида иш кўраётган Покистоннинг «Си-ай-ди» разведка хизмати Афғонистонга қарши босқинчилик урушида фаол қатнашмоқда. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ВЕНА.** Германия социал-демократик партиясининг федерал секретари Петер Глоц Европадаги социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва халқаро кескинликни юмшатишни амалга ошириш манфаатлари йўлида таъсирчан чоралар кўриш зарурлигини уқтирди. У Австрия социалистик партиясининг «Социалистише корреспонденц» пресс-бюллетени мухбири билан суҳбатда айни шундай сиёсат Ғарбий Европа давлатлари халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади, деб ишонч билдирди.

Глоц Женевадаги Совет—Америка музокаралари тўғрисида гапириб, ана шу музокараларнинг тўхтатиб қўйилганлиги учун жавобгарлик, аввало, Қўшма Штатлар зиммасига тушади, деб таъкидлади. Қўшма Штатлар «самовий урушлар» программаси билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширишни зўр бериб талаб қилмоқда.

● **КОБУЛ.** АДР қуролли кучлари чет эллардан мамлакат территориясига юборилаётган бандитлардан иборат бўлинмаларга қақшатқич зарба бермоқда.

Бахтар агентлигининг хабар қилишича, кейинги кунларда Парвон, Нангарҳор, Лохур, Кобул ва бир қанча бошқа вилоятларда аксилинқилобчи газандаларни тугатиш операциялари ўтказилди. Кўпгина душманлар яксон қилинди, Ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган талай миқдордаги қурол-яроғ ва ўқ-дори ўлжа олинди.

● **ТОКИО.** Окинава оролида жойлашган АҚШ денгиз пиёдалари қисмлари Кэмп-Хансен полигонида бу йил бешинчи марта тўпладан жанговар отиш машқларини ўтказмоқда. Орол аҳолиси бу машқларни қаҳр-ғазаб билан кутиб олди. Америка қўшинлари машқ вақтида ядро, нейтрон, бактереологик ва химиявий зарядлар билан ўт очадиган 155 ва 198 миллиметрли гаубицалардан фойдаландилар. Мавжуд қонунларга хилоф тарзда оролнинг шимолий қисмидаги серқатнов транспорт магистрали тўсиб қўйилди. Урушга қарши ва демократик маҳаллий ташкилотларнинг вакиллари Америка базаси яқинида митинг ва намойишлар ўтказдилар. Намойишчилар Америка ҳарбийларининг Япония диёрида хўжайинлик қилишларига чек қўйилишини қаттиқ талаб қилдилар. Америка ҳарбийларининг ифлосгарлик тайёргарликлари Узоқ Шарқда тинчликка ва хавфсизликка жиддий таҳлика солмоқда.

● **ПАРИЖ.** Могадишо режими ўзининг халқ манфаатларига зид сиёсатига, территориал даъволари ҳамда АҚШ, Исроил ва ЖАР билан тил бириктириш йўлига қарши чиқаётган шахсларни қувғин қилишни кучайтирмоқда. Сомали турмаларида юзлаб сиёсий маҳбуслар сақланмоқда. Франс пресс агентлигининг хабар қилишича, миллий хавфсизлик трибунали 4 кишини ўлим жазосига ва 2 кишини умрбод турма жазосига ҳукм қилган. Уларга «миллий хавфсизликка путур етказиш ишлари билан шуғулланган» деган бир хил айб қўйилган. (ТАСС).

ҲОСИЛДОРЛИК ОШМОҚДА

Хоразм воҳасидаги шолипоялар Озиқ-овқат программаси фойдасига икки баравар кўп самара бера бошлади. Бу ерда 21 минг гектардан зиёд ерга графикда белгиланганидан тезроқ шоли экилди.

Уруғликка биостимулятор билан ишлов берилди ва унинг унib чиқиши бир неча марта текшириб кўрилди. Кўпчилик хўжаликлар уруғликни сув бостирилган чекларга экди.

— Бирон-бир янгилик — ғоятда унутиб юборилган эски ишдан бошқа нарса эмаслиги кўпдан бери маълум, — деди «Қорақум» совхозининг директори Абдушарип Оллоберганов. — Кўп йиллар аввал шоли фақат сув бостирилган далаларгагина экиларди. Кейин қуруқ тупроққа экиш расм бўлиб кетди. Лекин аждодларнинг усулини, айниқса, бизнинг шароитларда бекор қилишга ҳали эрта экан. Чунки биз шолини қумтепалар ўрнида етиштирамиз. Бу жойларда эсувчи қаттиқ шамол тупроқнинг унумдор қатламини учириб туради.

Хоразм шоликорлари яна битта проблемани ҳам йўлйўлакай ҳал этмоқдалар: улар чекларда балиқ боқа бошладилар. Шолипоялар етилгунча ўтадиган тўрт-беш ой ичида балиқ ҳам ўсавераді.

Бу йил Ўзбекистон деҳқонлари давлатга 1,2 миллион тоннадан зиёд дон сотиш мажбуриятини олдилар. Хоразм областининг шоликорлари бу ишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Бу ерда донли экиндан мамлакатда энг юқори ҳосил олиниб келмоқда. Қумликдаги ўзлаштирилган ҳар гектар ер ўрта ҳисобда 65-70 центнердан шоли бермоқда.

Ю. ИБРОҲИМОВ, ЎзТАГ мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

ДИРЕКТОР НЕГА ИШДАН ОЛИНДИ?

Ҳалоллик, топширилган иш учун масъулиятни ҳис этиш, давлат ва план интизомига риоя қилиш — раҳбар ходимнинг фаолиятига баҳо беришда асосий мезон ҳисобланади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми нуқсонларни ниқоблаш мақсадида қўшиб ёзиш орқали қилинмаган ишларни қилинди, бажарилмаган планларни бажарилди деб кўрсатиб, давлатни, партия ва совет ташкилотларини алдаш йўлига кирган шахсларни қаттиқ қоралади. Бундай ходимлар меҳнат коллективларига раҳбарлик қилиши мумкин эмас.

Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг директори Т. Каримов хўжаликка бир томонлама раҳбарлик қилди. Чорвачиликни ривожлантириш, унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш чораларини кўрмади. Аксинча, ўзининг қўл остидаги ходимларга пахтани планда белгиланганидан кўпроқ, озуқа экинларини эса камроқ экиш ҳақида кўрсатма берди.

Натижада чорва моллар туёқ сони, маҳсулдорлиги камайиб кетди. Масалан, 1983 йили ҳар бир сигирдан пландаги 2670 килограмм ўрнига 2400 килограмм сут олиниб, белгиланган топшириқлар бажарилмай қолганди.

Афсуски, «тадбиркор» директор бундан тегишли хулоса чиқармади, чорвачиликка бўлган муносабатини ўзгартирмади. Қўзбўямачилик қилиб, тармоқнинг озуқа базасига путур етказди. Ўтган йили унинг кўрсатмаси билан озуқа экинлари белгиланганидан 148 гектар кам экилди. Лекин район ташкилотларига озуқа экинлари тўла экилди, деб ёлғон маълумот берилди. Область халқ контроли комитети текшириш ўтказиб, озуқа экинларини экиш ва ем-хашак жамғариш ҳақидаги маълумотларга қўшиб ёзилганини аниқлаганидан кейингина район партия комитетига ёзилган хатда юқоридаги кўзбўямачилик тан олинди.

Озуқа экинлари планда белгиланганидан кам экилгани, керагидан оз миқдорда озуқа тайёрлангани чорва молларининг маҳсулдорлиги янада камайишига сабаб бўлди. Ўтган йили ҳар бир сигирдан олдинги йилга нисбатан 150 килограмм оз сут олинди, 189 тонна кам сут етиштирилди ва давлатдан қарийб юз тонна маҳсулот қарздор бўлиб қолинди.

Ўтган йили экилмаган озуқа экинларини экилди, деб маълумот бериб, кўзбўямачилик қилгани, натижада қиш мавсумида чорва молларни ем-хашак билан таъминлашда катта қийинчиликка дуч келингани, агар бундай ҳол яна такрорланса қатъий чора кўрилиши ҳақида район партия комитети ва райижроком томонидан огоҳлантирилганига қарамай, И. Каримов эскича ишлашни давом эттирди. Бу йил ҳам пахтани белгиланганидан 103 гектар кўп эктиргани ҳолда, озуқа экинлари майдонини шунча камайтириб юборди.

Оқибатда бу йил ҳам етарли миқдорда ем-хашак жамғармаслик хавфи туғилди. Ўтган олти ойда пландаги 5675 тонна ўрнига атиги 1900 тонна озуқа тайёрланган. 16 июлгача дағал хашак жамғариш йиллик топшириғи 34,1 процент, табиий ўтлар пичани тайёрлаш плани атиги 18 процент, витаминли ўт талқони тайёрлаш плани 19,4 процентга етказилган. Бу ерда эски беданинг учинчи, янги беданинг эса иккинчи ўрими ҳали тугалланган йўқ. Чунки бу ишга панжа орасидан қаралмоқда, ем-хашак тайёрлашга етарли техника ва одам кучи ажратилмаган. Шу сабабли бир кунда ўрта ҳисобда етти гектар ердаги беда ўриб олинмоқда, холос. Ўз-ўзидан маълумки, бу ҳол маҳсулдорликка салбий таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди. Шу йиллнинг биринчи ярмида ҳар бир сигирдан 1091 килограмм, яъни пландагидан 194 килограмм кам сут олинди. Гўштга топширилган ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 358 килограммни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 40 килограмм кам.

Ишда жиддий камчиликларга йўл қўйгани, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларига хилоф равишда маълумотларга қўшиб ёзиб, алдамчилик, кўзбўямачилик қилгани учун И. Каримов совхоз директори вазифасидан бўшатилиб, унга қаттиқ партиявий жазо берилди.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚОҒОЗДА ҚОЛГАН ТАДБИРЛАР

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

Матлубот жамияти рай**он**даги «Москва», «Ленин йўли», «СССР 60 йиллиги», «Аврора», Собир Раҳимов номли совхозлар ишчиларига хизмат кўрсатади. Бу йил савдо дўконлари ва умумий овқатланиш корхоналари коллективлари қишлоқ меҳнат аҳлига 26,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатиш мажбуриятини олишган. Правление белгиланган тадбирларни шу йил 28 мартдаги йиғилишида қабул қилган қарори билан маъқуллаган эди. Узундан узоқ тадбирлар ва унга қўшимча иловаларда аҳолининг талаб ва истакларини ҳисобга олиб, жойларда камёб моллар учун буюртмалар қабул қилиш, савдо-сотиқни бевосита далага кўчириш, кенг ассортиментдаги нон маҳсулотлари, ярим фабрикатлар, алкоголсиз чанқов босди ичимликлар келтириб сотиш, кўчма ва сотувчисиз дўконлар ташкил қилиб, уларни саноат ва хўжалик моллари билан таъминлаш каби вазифалар қайд этилганди.

— Белгиланган тадбирларнинг бажарилиши қандай? сўрайміз катта товаршунос Сероб Гелдиевдан. У «семиз» папкадаги қоғозларни титкилар экан, шундай деди:

— Тадбирлар тузилгандан кейин уни бажаришимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Мана, автомагазинлар ҳақидаги графиклар, майда-чуйда товарлар рўйхати. Очиғи, ёмон ишламаяпмиз. Товароборот планларимизни ҳам ошириб бажаряпмиз.

Биз бевосита даланинг ўзида бўлганимизда бошқача манзарани кўрдик.

Қарши район Бешкент матлубот жамияти меҳнаткашларга далада савдо ташкил этишни яхшилаши керак

Тўғри, қишлоқ меҳнаткашларига савдо хизмати кўрсатиш учун 5 та кўчма дўкон ташкил қилинган. Уларнинг маршрути ҳам аниқ. Товароборот планлари ошириб бажарилаётганлигига ҳам шубҳа қилмаса бўлади. Лекин кўчма дўконларда кундалик эҳтиёж учун зарур буюмлар йўқ. Қишлоқ магазинларида тўлиб-тошиб чанг босиб ётган одатдаги консерва, атир-упа, бир хил совундан бошқа нарсани топиш қийин.

— Кўчма дўконлар шунчаки хўжакўрсинга келиб кетишяпти, — дейди «Ленин йўли» совхозининг бригада бошлиғи Шамат Алматов.— Далада эрта тонгдан кечгача меҳнат қилаётган ишчиларнинг бошқа истаги бор. Унга вазелин, глицерин, одеколон ва совунлар, ярим фабрикат маҳсулотлар, иссиқ кунларда чанқоқ босадиган алкоголсиз ичимликлар, кийим-кечаклар, носки-пайпоқ, рўмолчалар керак.

Унинг ташвишланиб гапирганича бор. «Москва» совхозида бўлганимизда ҳам савдо ходимлари шаънига худди шу мазмундаги эътирозларни эшитдик. Совхознинг Очил Бекчаев бошлиқ бригадаси дала шийпонида сотувчисиз дўкон азалдан мавжуд. Бироқ бригада бошлиғининг гапига қараганда бу йил мазкур дўконга бир сўмлик ҳам мол келтирилмаган. Ҳолбуки, тадбирларда йил бошиданоқ райондаги бошқа бешта хўжаликда 38 та сотувчисиз дўкон ташкил қилиш кўзда тутилган. Бўмбўш дўконлар совхознинг бошқа бригадаларида ҳам мавжуд.

Райондаги Собир Раҳимов номли совхоз учун ҳам кўчма дўкон юборишни белгиланган. Афсуски, ана шу дўконлар хизматидан хўжаликнинг Зиёд Мажидов, Ибод Зиёдов мудирлик қилаётган чорвачилик фермалари ходимлари баҳраманд бўлаётганлари йўқ.

— Фермамизга бу йил автодўкон келганини эшолмайман, — дейди сут соғувчи Ҳалима Усмонова. —Биз ҳар гал фермамизга келган комиссиялардан бу борада ёрдам беришларини сўрайверib чарчадик. Зарур буюмлар керак бўлиб қолса, узоқ йўл босиб, район марказига боришга мажбур бўляпмиз.

Хулоса—белгиланган тадбирларнинг кўп қисми қоғозда қолмоқда. Қоғозбозлик бирор наф келтирмаслигини Бешкент матлубот жамияти правлениеси раҳбарлари билишармикин? Билганларида эди, далада савдони қоғозда эмас, амалда яхши йўлга қўйилишига эришган бўлардилар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

НАЗОРАТЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Бухоро районидаги «Янги турмуш» колхозининг қуйи меҳнат коллективларида 15 га цех халқ контроли группаси ва 4 та назорат пости ишлаб турибди. Улар ўз атрофига 60 назоратчини бирлаштирган. Коммунист Исмат Ҳафизов халқ контроли группасининг раиси сифатида ибратли фаолият кўрсатяпти.

Халқ контроли группаси ҳузурида пахтачилик, чорвачилик, механизация ва маданий-маиший масалалар билан шуғулланувчи секторлар ишлаяпти. Ҳар бир сектор колхоз активлари, «Комсомол прожектори» ва цех халқ контроли группаларига таяниб, текшириш ва рейдларни мунтазам ўтказмоқда.

Группа ва постлар ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини назорат остига олган. Деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, дала ишларининг бориши,

ЎТКИР КЎЗЛАР

бригада ва фермаларда меҳнат интизоми, ҳисоб-китоб, молия ишларининг аҳволи, ер, сув, маҳаллий ва минерал ўғитлардан, техника воситаларидан фойдаланиш, тежамкорлик каби масалалар халқ назоратчиларининг доимий диққат марказида. Бир қатор текшириш ва рейдларда қатор бригадаларда ўғитларни сақлаш талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Бу камчиликларни Шариф Олимов, Тўймурод Юсупов, Фахри Назаров, Ҳожи Қандов каби назоратчилар аниқладилар. Минерал ва органик ўғитларни нотўғри сақлаб, колхозга моддий зарар етказган бригада бошлиқлари, агроучастка мудирлари қаттиқ огоҳлантирилди.

Назоратчилар чорва моллар парвариши устидан ҳам назорат ўрнатганлар, Яқинда чўчқачилик фермаси текширилиб, мудир Т. Ўринов ва чўчқабоқар М. Турдиевларга моллар парваришига етарли эътибор бермаганлиги учун пул начёти ёзилди. Автогараж, боғча-яслида ҳам назоратчиларнинг активлиги туфайли талон-торожликнинг олди олинди.

«Халқ контроли ойнаси» деворий газетаси аниқланган камчиликларни мунтазам ёритиб бораяпти. Колхоз халқ контроли группасининг «Фахрий китоби»га Пўлат Шароповв, Рашид Юсупов, Бўстон Керимова, Ғафур Тошев, Оқи Сайтиев каби жонкуяр назоратчиларнинг номлари ёзиб қўйилган.

Назоратчиларнинг ишлари колхоз партия ташкилоти йиғилишлари ва партбюро мажлисларида мунтазам кўрилиб, уларга йўл-йўриқлар кўрсатиляпти. Бу эса яхши самаралар бермоқда.

Ж. ЙУЛДОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Оқдарё тажриба станцияси селекционерлари маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, ғўзанинг янги навини яратдилар. «Оқдарё-4» деб номланган бу нав кўрсаткичлари, мутахассисларнинг фикрича, тўқимачилик саноати учун жуда қимматли бешинчи тип пахтаникига яқин. Оқдарё ва Жомбой районлари пахтазорларида давлат синовидан ўтказилаётган янги навнинг ҳосилдорлиги мавжуд навларникига нисбатан ўртача беш центнер ортиқ. «Оқдарё-4»нинг афзаллиги шундаки, унда ҳамма кўсаклар қарийб бир вақтда очилади. Бу пахта териш машиналари билан бутун ҳосилни икки уринишда териб олиш имконини беради. Суратда: янги ғўза нави муаллифи, тажриба станцияси илмий ходими Ҳ. Иброҳимов лаборант Ф. Мардиева билан тажриба участкасидаги ғўзалар ривожини кузатмоқда.

Р. Ғафуров фотоси. (ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Бағдод районидаги «Москва» совхози ишчилари номидан ёзилган хатда кўрсатилган фактлар қисман тасдиқланди. Район партия комитети бюроси қарорига кўра, чорвачиликни ривожлантиришда камчиликларга йўл қўйганлиги, сут тайёрлаш планини бажармаганлиги учун совхоз директори М. Хўжаевга ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан берилди. Совхоз партия комитети секретари Р. Раҳмонов эса қаттиқ огоҳлантирилди.

Текшириш якунлари совхоз партия комитетининг кенгайтирилган мажлисида ҳам муҳокама қилинди. Партия комитети қарорига мувофиқ иш ҳақига қўшиб ёзганлиги учун бош бухгалтер С. Шерқуловга, бош экономист Р. Муҳаммадалиевга, биринчи бўлим бошқарувчиси М. Абдурахмоновга қаттиқ ҳайфсан берилди. Бригада бошлиғи А. Норматов ва бригада ҳисобчиси Б. Назаровлар вазифаларидан бўшатилдилар.

Совхоз маъмурияти ва партия комитетига ўрта бўғин кадрларини, айниқса, бригада бошлиқларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишларини яхшилаш вазифалари топширилди.

Шунингдек, хатда кўрсатилган Бағдод район Совети ижроия комитети раисининг собиқ ўринбосари Н. Мадаминовга хизмат вазифасини суиистеъмол қилганлиги учун ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

* * *

ЧИНОЗ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ:

— Хатда кўрсатилган 32-магазин текширилди. Совет савдоси қоидаларини қўпол равишда бузганлиги учун магазин мудири С. Саидраҳмонов район матлубот союзи правлениеси қарори билан лавозимидан бўшатилди.

* * *

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЛИМИ:

— Газетхон Қурбоновнинг Шаҳрисабз районидаги 1-интернат-мактабда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ҳақидаги хати юзасидан текшириш ўтказилди.

Ошхона ишлари устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги, ўқув ва дам олиш хоналарида санитария қоидаларининг бузилишига йўл қўйганлиги учун катта тарбиячи Д. Мингбоевга ҳайфсан берилди. Даволаш муолажалари ўтказмаганликлари, интернатда санитария ҳолати бўйича ҳужжатлар юритишни бузганлиги учун ҳамширалардан Раҳмонова ҳамда Файзиеваларга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Овқатларнинг сифатсиз тайёрланишига йўл қўйганлиги учун катта ошпаз М. Одинаевнинг лавозими пасайтирилди. Интернат ишлари устидан раҳбарликни бўшаштириб юборганлиги, ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлганлиги учун интернат директори А. Юсупов қаттиқ огоҳлантирилди.

* * *

ЯНГИҚУРҒОН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— «Гулшан» совхозидан ёзилган шикоят хатидаги айрим фактлар тасдиқланди. Текшириш якунлари район партия комитетининг бюро мажлисида кўриб чиқилди. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда камчиликларга йўл қўйганлиги, хўжаликда меҳнат интизомини бўшаштириб юборганлиги ва ишчилар учун етарли шарт-шароитлар яратиб бермаганлиги учун совхоз директори М. Алижоновга ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан берилди.

Шунингдек, Наманган область агросаноат бирлашмаси Совети буйруғига асосан бош бухгалтер А. Турсунов вазифасидан бўшатилди.

* * *

ҚУВА РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Райондаги Бўзахўр қишлоғида маданият муассасалари йўқлиги ҳақидаги хат текширилди. Унда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланди.

Ҳозирги кунда қишлоқ марказида ёзги клуб қуриш ишлари бошлаб юборилди. 23-, 24-пахтачилик бригадалари дала шийпонларида кўчма кутубхона ташкил этилди. Кутубхона биноси қурилиши колхоз планига киритилди.

Съездолди зарбдор вахтасида

ТЕЖАМ КЎП

Қўқон пойабзал фабрикасининг коллективи йил бошидан бери бир миллион квадрат дециметр кўн тежади. Тежалган хом ашё социалистик мажбуриятларда кўзда тутилганидек, икки иш куни эмас, балки тўрт иш кунига етади, планга қўшимча равишда 50 минг жуфт пойабзал тайёрлашга имкон беради.

Оқилона бичиш методларини кенг қўламда қўллаш, пойабзалчиларнинг юксак профессионал маҳоратлари туфайли шу муваффақиятларга эришилди. Фабриканинг илғор ишчиларидан Т. Кривоносова, Х. Расулхўжаев, А. Назаров ва бошқалар хом ашё ва материалларни тежашга салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар ўз шахсий ҳисобларига бир неча минг квадрат дециметрдан тежалган кўн маҳсулотларини ёзиб қўйдилар.

КУНИГА 100 ТОННАДАН

✦ Андижон область Ленин районидаги ғалла маҳсулотлари комбинатининг озуқа цехи реконструкция қилинганидан кейин унинг қуввати икки баравар кўпайди. Энди бу ерда бир кеча-кундузда юз тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Реконструкция жараёнида янги ускуналар ўрнатилиб, озуқа сифати яхшиланди, қўл меҳнати ҳиссаси камайди.

(ЎзТАГ).

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУХБИР» — «КОРРЕСПОНДЕНТ»

«Мухбир» — «Корреспондент» журналининг навбатдаги июль сони босмадан чиқди. Журнал «КПСС XXVII съезди олдидан» рубрикаси остидаги анкета билан очилади. Анкета саволларига «Ўзбекистон коммунисти»— «Коммунист Узбекистана» журналининг бош редактори Р. Нуруллин жавоб бериб, партия XXVI съездидан кейин редакцияда тўпланган иш тажрибалари ва КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездига тайёргарликни ёритиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда вазифалар ҳақида ҳикоя қилган.

Журналнинг бу сонида Ўзбекистон Журналистлар союзи мукофоти лауреатлари ҳамда Бутуниттифоқ ва республика конкурслари ғолиблари тўғрисида мақолалар берила бошланди. «Сирдарьинская правда» область газетаси ахборот ва спорт-мудофаа ишлари бўлимининг мудири В. Батишевининг «Кичик жанр имкониятлари» сарлавҳали мақоласи «Практика» рубрикаси остида босилган.

Мазкур сонда матбуотда, телевидение ва радиоэшитиришларда «Инсон ва қонун» шиори остида табиатни муҳофаза қилиш масалаларини энг яхши ёритганлик бўйича ўтказилган республика конкурсининг якунлари босилган.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙ БЎЛСИН

Колхоз ва совхозларнинг инженерлик хизмати, республика «Госкомсельхозтехника»си бирлашмалари олдида терим техникасини мавсум бошланишига қадар тўла ва сифатли ремонтдан чиқариш вазифаси турибди. Бу йил мавсумда пахтани машинада териш учун 1 миллион 417 минг гектар ер ажратилган. Агрегатлар ёрдамида 3 миллион тоннадан зиёд «оқ олтин» териш мўлжалланмоқда. Бунинг учун қисқа муддатда катта ҳажмдаги тайёргарлик ва ремонт ишларини бажаришга тўғри келади. Шу мақсадда колхоз ва совхозларнинг устахоналари, «Госкомсельхозтехника»нинг ихтисослаштирилган корхоналари қувватидан тўла фойдаланиш, техникани тайёрлаш ва унга хизмат кўрсатишга малакали механизаторлар, тажрибали ишчиларни жалб қилиш, уларни зарур асбоблар, эҳтиёт қисмлар, материаллар билан таъминлаш лозим.

МАШИНА теримига ажратилган майдонлар учун паспортлар тайёрланган. Уларда қуйидаги агротехник тадбирлар: ҳар гектар ерда 90—120 минг туп ғўза бўлиши ўсимликнинг парваришига оид ишлар комплекси, ғўза бўйининг 90—110 сантиметр бўлиши, суғориш сифатига алоҳида эътибор бериш лозимлиги қайд этилган. Ҳозир далаларни бегона ўтлардан тозалаш қизғин олиб борилмоқда. Ҳар бир область, район, хўжалик, бўлим, бригада бўйича машина теримини ўтказишга оид аниқ ҳисоб-китоблар қилинмоқда. Техника билан таъминлаш ана шу ҳисоб-китобларга кўра амалга ошириляпти. Бу йилги йиғим-теримда 36 мингдан зиёд пахта териш машинаси, 8,4 минг кўсак узадиган, 13,2 минг кўрак чувийдиган агрегатлар, 6 минг погрузчик, 135 минг трактор прицеплари ва кўплаб бошқа техника воситалари ишлатилади. 20 июлгача бўлган оператив маълумотларга кўра пахта териш машиналарининг 70 проценти, кўсак узиш агрегатларининг 55,4 проценти кўрак чувиш агрегатларининг 63 проценти, трактор прицепларининг 91 проценти, погрузчикларнинг 88,3 проценти ремонтдан чиқарилган.

Норин ва Ленин йўли районларинг колхоз ва совхозларида пахта териш машиналарнинг ремонти муваффақиятли тугалланди. Чортоқ, Янгиқўрғон, Шеробод, Еойсун, Москва, Коммунистик ва Хива районлари хўжаликларида бу иш тугалланиш босқичига кирди. Сурхондарё (88 процент), Хоразм (82 процент), Бухоро (80 процент) ва Наманган (78 процент) областлари колхоз ва совхозларида пахта териш машиналарининг ремонти юқори суръат билан олиб борилмоқда.

Аммо аҳвол ҳамма жойда ҳам бирдек, деб бўлмайди. Масалан, «зангори кема»ларнинг шайлиги Қорақалпоғистон автоном республикасида 63 процентни, Қашқадарё областида 62, Сирдарё областида 60, Жиззах областида 55 процентни ташкил этади. Бувайда, Ленинобод, Косон, Жиззах, Фрунзе, Баҳористон, Қораўзак, Кегайли районлари хўжаликларида терим техникасини созлаш суръати паст. Фрунзе ва Ворошилов районларида кўсак узадиган машиналарни ремонт қилишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Кўсак узиш агрегатларининг шайлиги бу районларда 17—18 процентни ташкил этади. Кўрак чувиш агрегатларини созлаш ҳам кўнгилдагидек эмас. Масалан, Гулистон ва Оқолтин районларида бу агрегатларнинг учдан икки қисми ишга тайёрланмаган. Бу борада Чимбой районида, айниқса, қолоқликка йўл қўйилаётир. Бу ерда кўрак чувийдиган агрегатларнинг атиги 27 проценти тайёрланган, холос.

Ҳозир район агросаноат бирлашмалари советлари асосий диққат-эътиборни терим техникасини тайёрлаш бўйича ташкилий ишларни янада ҳаҳшилаш қаратмоқлари лозим. Техника воситаларининг барчасини устахоналарга келтиришни қисқа муддатда тугаллаш, ремонт ишларига механизаторларни кўпроқ жалб қилиш, уларнинг унумли ишлашлари ва кўнгилли ҳордиқ чиқариш лари учун зарур шарт-шароитларни яратиш талаб этилади.

Терим техникасини мавсумга сифатли тайёрлашда Госсельхнадзор инспекцияси зиммасига алоҳида масъулият юкланган. Инспекция текширишлар давомида ремонтдан чиқарилган машина ва механизмларда мавжуд бўлган нуқсонларни топиб, уларнинг бартараф этилишига эришмоғи керак. Ремонтдан чиқарилган техникани қабул қилиб олувчи сифат комиссиялари аъзолари ҳам ўз фаолиятларини ана шу масалага қаратишлари лозим.

Пахта териш машина ва механизмларидан самарали фойдаланиш механик-ҳайдовчиларнинг билими, малакаси ва терим агрегатларининг механизатор кадрлар билан қай даражада таъминланганига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу туфайли қишлоқ ҳунартехника билим юртларида механик-ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоғи, бу ишда республика «Госкомсельхозтехника»си амалий ёрдам кўрсатмоғи зарур.

Терим техникасининг ўз вақтида ремонт қилинишини тезлатиш мақсадида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи республика комитети 15 июлдан 15 августгача зарбдор ойлик эълон қилдилар. Ойлик давомида техника воситалари ремонти тугалланади. Мавсум бошланишигача курсларда 16,3 минг механик-ҳайдовчи тайёрланади.

КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш бўйича механизаторлар ўртасида сентябрнинг биринчи ўн кунлигида ўтказиладиган республика конкурси шартлари ишлаб чиқилган. Унда хўжалик, район ва областларда августнинг охирида бўлиб ўтадиган конкурсларнинг ғолиблари қатнашадилар. Бундан ташқари сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида механик-ҳайдовчилар учун бу йилги мавсумнинг хусусиятлари ва шароитлари ҳисобга олинган ҳолда район семинарлари ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Терим техникасини мавсумга тайёрлаш ва машина теримини муваффақиятли ўтказиш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишига раҳбарлик қилиш учун республика штаби тузилди. Пахтани машинада териш бўйича олтита плакат ва машина теримида юксак кўрсаткичга эришган хўжаликлар, механизаторларнинг илғор тажрибасини акс эттирувчи 4—5 та варақа чиқарилади. Йиғим-терим мавсуми бошлангунга қадар механик-ҳайдовчилар учун махсус китобчалар нашр этилади.

Ҳозир хўжаликларнинг механизатор кадрларга бўлган талабини қондиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Уларни қайта тайёрлаш машина теримининг янги талабларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Областларда ва хўжаликларда терим-транспорт отрядлари комплектланмоқда. Уларнинг сони республика бўйича 3 минг 300 гага етади. Хўжаликларда машина теримини ўтказиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилаётир. Пахтани «зангори кема»лар билан теришни кўсакларнинг 60 проценти очилганда бошлаш мақсадга мувофиқдир. Кейинчалик қўшимча 20—30 процент кўсак очилганда, иккинчи теримга киришилади.

Уруғлик пахта ҳосилини яруслар бўйича терадиган машиналар (ХВА-1,2 ва ХВБ-1,8) билан кўсакларнинг 70—75 проценти очилганда терилади. Ингичка толали пахтани териб олишда ХВН-1,2А ва ХВН-1,8 агрегатлари ишлатилади.

Терим машиналари иш унуми ва конкрет шароитларда ёнилги-мойлаш материаллари сарфи бўйича нормативлар ишлаб чиқилган. Уларни қўлланиш бўйича тушунтиришлар берилган. Дефолиацияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича агротехник тадбирлар комплекси олиб борилмоқда. Машинада терилган пахта сифати учун қўшимча ҳақ тўлашни ерга тўкилган хом ашёни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Механизаторлар машиналарни яхши регулировка қилганликлари ва малакали бошқарганликлари туфайли нобудгарчиликка йўл қўймасалар, уларга қўшимча ҳақ тўланади.

Амалдаги ҳақ тўлаш тартибини оммавий тиражда нашр этиш ва уни қўлланиш қоидаларини ҳар бир бригадага етказиш мўлжалланмоқда. Пахта тозалаш заводларини мавсумга тайёрлаш ишлари қизғин давом эттириляпти. Хом ашёни топшириш тартибига оид масала ҳал қилинаётир. Бу тартиб билан пахтани топширишда банд бўлган ҳамма кишилар таништирилади. Машина теримига ҳақ тўлаш ва уни қабул қилишга оид амалдаги талаб ва низомларни оммавий нашр этиш чоралари кўриляпти. Четдан ёрдамчи олмай пахтани қисқа муддатларда йиғиб-териб олишга муваффақ бўлаётган хўжаликларнинг илғор тажрибасини ўрганиш кенг йўлга қўйилади.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«РАДУГА» НАШРИЁТИНИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ ЧОП ЭТДИ:

Д. ФУРМАНОВ. Чапаев. Роман. 376 бет. Баҳоси 2 сўм 90 тийин (дарий тилида).

Романда Россиядаги гражданлар урушининг афсонавий саркардаси Василий Иванович Чапаев тўғрисида ҳикоя қилинади.

ОЙБЕК. Қутлуғ қон. Роман. 408 бет. Баҳоси 3 сўм 84 тийин (пушту тилида).

Машҳур ёзувчи асарида ўзбек халқининг революция арафасидаги ҳаётини акс эттирган.

АВТОРЛАР КОЛЛЕКТИВИ. Жасорат ва бурчга содиқлар. Тўплам. 488 бет. Баҳоси 3 сўм 80 тийин (дарий тилида).

Тўпламга кирган қисса ва ҳикояларда совет кишиларининг қаҳрамонлиги, фидойилиги ва жасорати, уларнинг гражданлик ва ҳарбий бурчга содиқлиги тўғрисида гап боради.

Валерий ПОВОЛЯЕВ. Тайғалик денгизчи. Қиссалар. 360 бет. Баҳоси 3 сўм 13 тийин (араб тилида).

Тўпламга муаллифнинг тўртта қиссаси киритилган. Уларда замондошларимиз ҳаёти қизиқарли ҳикоя қилинади.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК—ИЛЛАТ

ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК

Оқил кишилар ичкиликбозлик ўтмиш сарқити, хавфли иллат эканлигини чуқур ҳис этишади. Партия ва ҳукуматимиз ана шу касалликни тағ-томири билан бартараф этиш ҳақида қабул қилган қарор ҳушёрлигимизни тағин ҳам оширмоқда. Тенгдошларимиз содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни назардан кечираркамиз, ҳаёт биз, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклаётгани ойдинлашади. Ичкиликнинг қулига айланганлар тақдирига бефарқ қараш, уларни бадномлик йўлидан қайтариш чораларини кўрмаслик, яъни лоқайдлик кечирилмас ҳолдир.

Лоқайдлик инсонни жиноят сари етаклайди, дейишади. Менимча, кўп ҳолларда ичкиликбозлик авж олиб кетиши худди мана шу нарсага бориб тақалади. Турли меҳнат коллективлари, хўжаликлар раҳбарлари ўз кўл остиларида ишлайдиганлар хулқ-атворига қизиқмаслиги, ичганда, тартибни бузганда кескин жазолар қўлланмаслиги иллат чуқур илдиз отишига олиб келади.

Пайтдан фойдаланиб, лоқайдликнинг бошқача кўринишларига тўхталиб ўтмоқчиман. Аввало, бизни спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи айрим сотувчиларнинг масъулиятсизлиги ташвишга солади. Масалан, Самарқанд шаҳар марказий маданият ва истироҳат боғини олайлик. Кейинги вақтда бу ерга яхши ният билан келган кишилар яйраб ҳордиқ чиқаролмайди. Нега дейсизми, боғдаги буфет-ошхоналар ва барларда пиво ҳамда ўткир спиртли ичимликлар сотилади.

Баъзилар бу ерда эртадан-кечгача қўр ташлаб, арақ-пиво ичишади. Ҳатто заводимизнинг айрим ишчиларини ҳам учратиш мумкин. Натижада улар ишга кечикиб, эртаси куни эса прогул қилишади.

Энг ачинарлиси, ҳордиқ чиқариш учун келганлар ичкиликбозларнинг шилқимлиги, безорлигидан ранжиб кетишади. Савдо ходимлари эса ичкиликни чеклаш ҳақида қайғуришмайди, фақат планни бажариш, айрим инсофсизлари эса нуқул чўнткани қаппайтиришни ўйлашади. Хўш, боғ маъмурияти раҳбарлари-чи?

Ичкиликбозлик пайини қирқишда тўғаноқ бўлаётган яна бир мисол келтирмоқчиман. Заводимиз яқинида Боғишамол район озиқ-овқат савдоси бўлимига қарашли бир нечта магазин жойлашган. Биз шуларнинг айримларида пиво, арақ-вино майдалаб сотилишини сезиб қолдик. Буни қарангки, баъзи ишчиларимиз танаффус пайтларида ёки смена олдидан бу «қулайлик»дан баҳраманд бўлишаркан. Қани айтинг-чи, ичкилик оқибатида қўли қалтирайдиган, мияси заҳарланган кимса ишида унум ва сифат бўлиши мумкинми? Бу ҳақда неча марталаб огоҳлантирганимиз, расмий хатлар жўнатганимизга қарамасдан савдо бўлими раҳбарлари қулоқ солишни истамади.

Сезилиб турибдики, гап яна масъулият ва лоқайдлик устида боряпти. Қайси идора, ташкилот, муассаса ёки қайси хўжаликда меҳнат қилмайлик, агар ҳар биримиз ичкиликбозликка қарши курашда шахсий намуна кўрсатмасак қутилган натижага эришиб бўлмайди.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашиш юзасидан тузилган тадбирларда шу кеча-кундузда ва яқин келажакда амалга оширилиши зарур бўлган муҳим вазифалар кўлами белгиланган. Аммо ҳамма гап шундаки, бу тадбирларни муваффақиятли бажаришда белгиланган кишилар эмас, ҳамма-бутун коллектив аъзолари бирдамлик билан иштирок этишлари лозим.

Кўпинча биз тадбирлар тузиш, уларни муҳокама қилиш билан машғул бўлиб қоламиз-да, бунинг расмиятчилик эканлигини назардан соқит қилиб, ичкиликбозликка қарши курашнинг асосий йўли шундан иборат, деб ўйлаймиз.

Баъзи ишчи-хизматчиларимиз, аввало, ўзларининг иродасизликлари, коллектив аъзоларининг лоқайдлиги туфайли ичкилик қурбони бўлиб қолаётирлар. 12-цех слесари Р. Очилов бўш вақтини ичкиликбозлик билан ўтказиб юрганини кўрганимизда «пайти келиб, эсини таниб олар», деган маънода индамасдик. Аммо биз ўйлагандек бўлмаёди. Ғишт қолипдан кўчган эди. Ниҳоят, у маст ҳолда жамоат жойида безорилик қилиб қўлга тушди ва жиноий жавобгарликка тортилди.

Корхонамизнинг 7-цехида меҳнат интизоми анча бўшашиб кетгани, бракчилар, прогулчилар кўпайгани ҳақида завод халқ контроли комитетига сигнал тушди. Текшириш ўтказилганда айрим ишчилар ичкиликка муккасидан кетганлиги сабабли шундай нуқсонлар юз бераётгани ойдинлашди. Шундан кейингина чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ишларимиз орасида ичкиликка ружу қўйганлар ҳам учраб туради. 1-цех куювчиси Р. Азимов фақат тенгқурлари эмас, бутун коллективни уялтирди. Самарқанд районидаги «Москва» колхози марказида жанжал кўтарди. Бир кишига оғир тан жароҳати етказди. Оқибатда қилмишига яраша жазосини олди.

КПСС Марказий Комитетининг ичкиликбозлик ва алкоголизмни тугатиш ҳақидаги қарорида, айниқса, ишларни бу социал иллатдан эҳтиёт қилиб асраш масаласи қатъий қилиб қўйилган. Шундай экан, заводимиз комсомол комитети навқирон авлод ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириши, уларга алкоголнинг зарарини чуқур тушунтириши лозим. Афсуски, комитет амалга ошираётган ишлар ҳали талабга тўла жавоб бермайди.

Ўртоқлик судлари арақхўрларга нисбатан юмшоқлик билан муносабатда бўлишаётгани ачинарли ҳолдир. Заводимиздаги 12 та цехнинг ҳар бирида шундай судлар ишлаб турибди. Ичкиликбозликка қарши курашиш борасида улар кенг имкониятларга эга. Афсуски, ана шу имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Арақхўрларга нисбатан кескин жазолар қўлланиш пайти етганини англаш лозим.

Заводимиз қошида ичкиликбозликка қарши жамият ташкил этилди. Эндиликда бу жамият ўртоқлик судлари, халқ контроли группалари, «Комсомол прожекторлари» билан цехларда рейд-текширишлар ўтказиб, қоидани бузган шахсларга нисбатан қатъий жазо чоралари кўряпти. Завод партия комитети, шубҳасиз, бу вазифаларни кўнгилдагидек ҳал этишда бош-қош.

Ҳа, ичкиликбозларга шафқатсиз бўлайлик. Уларни тарбиялаш, хушёрликка чорлаш, ижодий меҳнат қучоғига қайтариш муқаддас бурчимиздир. Партиямиз бу бурчни садоқат билан ўташга даъват этмоқда.

Исмат ИСЛОМОВ,
Самарқанддаги «Красний двигатель» заводи ишчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

ТОШКЕНТ ГАСТРОЛЛАРИ

Қадрдонларимиз

ТОМОШАБИН ТААССУРОТИ

Оренбург область музикали комедия театрини яхши биламиз. Унинг аввалги гастроллари ҳам Тошкентда зўр муваффақият билан ўтган. Шахсан мен қардошларимизнинг ижрочилик маҳоратини юксак баҳолайман.

Тошкентлик театр санъати мухлислари оренбургликартистларнинг бу галги репертуарини ҳам қизиқиш билан кутиб олишди. Дўстларимиз гастроль бошланиши арафасидаги учрашувларда бу йил театрнинг 50 йиллик юбилейи нишонланишини айтишди. Тошкент гастроли программасидаги спектакллар қардош санъаткорларнинг ўтган ярим аср ичида қўлга киритган ютуқларини —тажрибаларини, анъаналарини, ўзига хос режиссёр ва дирижёрнинг хизмати самарасидир. Умуман, спектакларнинг талқини ўзига хослиги билан эътиборимизни тортди.

Оренбург область музикали комедия театри коллективи бизга завқ-шавқ, қувонч улашяпти.

Р. КАРИМОВ,
«Ташсельмаш» заводининг ишчиси.



Суратда: Оренбург область музикали комедия театрининг «Қизлар ғалваси» спектаклидан бир кўриниш.
С. КАГАН фотоси.

Қишлоқ маданияти

ДОҒЛАР

ЭЪТИБОРСИЗЛИК

Бойсун районидаги Сайроб қишлоғи табиатнинг энг гўзал масканларидан бири ҳисобланади. Шу ердан ўтган ҳар бир йўловчи тоғ ҳавосидан мириқиб нафас олади, шифобахш булоқ сувидан ичиб, чанқовини қондиради. Минг ёшли чинорлар, тиниқ ва мусаффо чашма сувлари кимни мафтун этмайди дейсиз?!

Сайроб қишлоғи кейинги йилларда анча ободонлашди. Кўплаб уй-жойлар, маданий-маиший, маъмурий бинолар қад кўтарди. Қишлоқ марказида бунёд этилган меҳмонхона, ошхона, чойхона ва ресторан эл хизматида.

Бироқ кўркам қишлоқ ҳуснига доғ бўлиб тушаётган айрим кўринишлар ҳақида аччиқ сўз айтмай илож йўқ. Газетхонлардан Х. Жабборова, Р. Усмонов, Х. Қобиловлар редакцияга хат ёзиб, Сайробдаги бозор ва унинг атрофида озодагарчиликка мутлақо эътибор берилмаётганлигини маълум қилишган эди. Текширишда фактлар тўла тасдиқланди.

Бойсун район «Ғалаба» газетасининг 1984 йил 10-сонида «Қишлоқ ҳуснидаги доғ» сарлавҳали танқидий мақола босилиб, унда ҳам айнан шу масала кўтарилган эди. Афсуски, газетанинг бу танқидий чиқишига ҳеч ким эътибор бермади. Энди-чи?

Ўйлаймизки, район Совети ижроия комитетидаги масъул ўртоқлар санитария эпидемиология станцияси раҳбарлари билан ҳамкорликда қишлоқ ҳуснидаги доғни ювиб ташлайдилар, Сайробни ободонлаштиришга эътиборни кучайтирадилар.

ТАРТИБСИЗ КЎЧА

Термиз районидаги «Наманган» колхозида Иккинчи Ғарма қишлоғи бор. Аҳолиси бадавлат, фаровон яшайди. Афсуски, қишлоқ ҳуснидаги доғларга кўзингиз тушганда бу ерда яшовчи баъзи кишиларнинг дид-фаросатига ҳайрон қолиб, ёқа ушлайсиз. Кўркам иморатлар олдига ғўзапоялар ғарамлаб ташланган. Колхозчилар товуқхона ва оғилхоналарни ҳам шу йўл ёқасига қуриб олишган. Ҳаммаёқ ифлос. Чанг-тўзондан кўз очиб бўлмайди.

Бу қишлоқда асосан «Намуна» колхозининг Ислом Расулев, Ортиқ Тангриқулов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг аъзолари яшайди. Колхоз раисининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари Жамила Эргашева шу йўл бўйлаб кунига бир неча бор ўтса-да, уни тартибга солиш, ободонлаштириш ҳақида ўйлаб кўрмаяпти.

Бунга ўхшаш хунук манзарани шу райондаги Жданов номли, Ангор районидаги Калинин номли колхозларнинг, Гагарин районидаги «Янгиобод» совхозининг қатор қишлоқларида ҳам учратиш мумкин.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

КОМПЛЕКС МАШҒУЛОТЛАР

Тошкентдаги 70-ўрта мактабда ўқувчиларнинг жисмоний тарбия машғулотларини мазмунли ўтказиш ва мунтазамлигини таъминлашга алоҳида эътибор қилинмоқда. Яқинда бу ерда ўзига хос хайрли иш амалга оширилди. Жисмоний тарбия ўқитувчилари Мирзоҳид Расулов билан Фарҳод Қаландаров жамоатчилик асосида фаолият кўрсатишди. Керакли асбоб-ускуналарни оталиқ ташкилот —11-«Висотстрой» трести бунёдкорлари етказиб беришди. Натижа чакки бўлмади. Мактабда ўзига хос спорт комплекси барпо этилди. Энди ёшлар спортнинг бир неча тури билан шуғулланиш имкониятига эга бўлишди. Мактаб ҳовлисида эса соғломлаштириш шаҳарчаси ташкил этилди.

Ҳозир 380 ўқувчи ГТО нишондори, 180 ўғил-қиз оммавий разряд нормативини бажарган. Спорт мастерлигига номзод А. Абдурахмоноз, Р. Аширматов, С. Набиев, А. Мўминов каби ўқувчилар мактаб коллективининг фахри бўлиб турибди.

С. СУЛТОНОВ.

БУТУНИТТИФОҚ ЎСМИРЛАР ЎЙИНЛАРИ

ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Шу кунларда мамлакатимизнинг қаҳрамон шаҳарларида спортнинг саноқли турлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Аксарият баҳслар бўйича ўринлар аниқланиб, якунлар чиқарилди. Футболчилар эса бугун ҳал қилувчи учрашувда куч синашадилар. Украина ва Грузия командалари чемпионлик учун баҳс юритадиган бўлишди. Республикамиз футболчилари саралаш учрашувлари ва ярим финал ўйинларини муваффақиятли ўтказишга ҳаракат қилишди. Лекин финалга йўлланма берадиган ўйинда Грузия командасига (1:4) имкониятни бой бериб қўйдилар. Шахмат ва қўл тўпи бўйича мусобақаларда эса вакилларимиз мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда.

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● **ВЕЛОПОЙГА.** Клайпеда шаҳрида ўтказилган мамлакат чемпионатида тошкентлик А. Панфилов 1000 метрли масофада биринчи бўлиб, спринт баҳсида бронза медалини қўлга киритди.

● **ЧИМ ХОККЕЙ.** Аёллар олий лига командалари ўртасида навбатдаги учрашувлар ўтказилди: «Колос»— «Политотдел» — 1:0, «Буревестник»— «Андижанка» — 1:0. Ҳозир Тошкент областининг «Политотдел» командасида 12, «Андижанка» коллективида 8 та очко бор.

ҲАР ТЎҒРИДА

НОЧОР ЮРАК

Англиялик Генри Нерман 100 ёшида вафот этди. Гап шундаки, у бундан 82 йил бурун юраги хаста бўлгани учун ҳарбий хизматдан озод қилинган эди. Омадин қаранг, касал юрак билан бир аср яшабди.

КЎНГИЛЛИ РОБИНЗОН

Бразилиялик эколог Фернандо Ли яқинда 70 ёшга тўлди. Ватандошлари уни «Бразилия Робинзони» дейишади. Чунки олим ўз ватанидан узоқда — кимсасиз оролда ёлғиз яшайди. Бундан 32 йил аввал бу ерга қадам қўйган Ф. Ли орол қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Хурмозор боғ яратди, тошни ўйиб ёмғир суви тўпланадиган ҳовуз ясади. Чунки оролда ичимлик сув йўқ. Олимнинг кулбасини электр чироғи ёритиб туради. Уни ҳам Фернандонинг ўзи ясаган. Шамолда айланадиган махсус аппарат ток ҳосил қилади.

СИГИРЛАР УЧУН ҚАЛПОҚ

Швейцарияда сигирлардан сут соғиб олишни кўпайтиришнинг оригинал усулини таклиф этишди. Ёз пайтида сигирлар бошига инсектицид моддаси сингдирилган махсус пластмасса қалпоқлар кийдирилади. Ғаройиб бу усулнинг натижаси чакки эмас. Сигирлар сутини сезилларли оширди.

(«ЗНАНИЕ—СИЛА»ДАН)

Чанқовбости ичимликлар

Тўрткўл шаҳрида меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсатиш яхшиланиб боряпти. Бу ерда турли чанқовбости ичимликлар тайёрловчи цехлар очилди. Натижада морс, квас, лимонаддир билан савдо қилиш тармоқлари кўпайди. Шаҳар марказий гастрономида шубот сотадиган павильон очилди. Бу ерда ўтган бир ой ичида минг литр шубот ва 500 литр қимиз сотилди.

Бу шифобахш ичимликларни шаҳардаги сут-ёғ заводида фойдаланишга топширилган цех коллективи тайёрлаяпти. Цех суткасига 10 тонна шубот билан қимиз тайёрлаш қувватига эга.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

ОБ-ҲАВО

Синоптикларнинг хабар беришларича, яқин кунларда Қорақалпоғистон АССРда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди, бошқа территорияларда ҳаво кам булутли бўлади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсиб туради. Кечаси 17-22, жанубда ва чўл зонасида 26 даражагача, кундузи 34-39, жанубда ва чўл зонасида 40 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво кам булутли бўлади, кучсиз шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

(ЎзТАГ).

Редактор ўринбосари
Б. ЮСУПОВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
1985-86 ўқув йили учун
ДАВОЛАШ, САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ВА СТОМОТОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТЛАРИНИНГ 1-КУРСИГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати даволаш ва санитария-гигиена факультетларида—6 йил; стомотология факультетида — 5 йил.

Институтга 35 ёшгача бўлган, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган шахслар конкурс тартибида қабул қилинадди.

Барча факультетларда ҳужжатлар 31 июлгача қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар барча факультетларда физика (ёзма), **химия** (оғзаки), **биология** (оғзаки), **рус тили ва адабиёти** (ёзма) **фанларидан кириш имтиҳонларини топширадилар. Ўрта мактабни миллий тилдаги таълим бўйича тугатган шахслар СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги миллий мактаблар учун тасдиқланган программа бўйича рус тилида диктант ёзадилар.**

Ўрта мактабни битирганидан сўнг олтин медаль билан тақдирланганлар, ўрта махсус ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар физикадан имтиҳон топширадилар. Имтиҳонни «беш» баҳога топширган тақдирда улар қолган имтиҳонларни топширишдан озод этиладилар, «тўрт» ёки «уч» олган тақдирда эса бошқа ҳамма фанлардан умумий тартибда имтиҳон топширадилар.

Кириш имтиҳонлари — 1 августдан 20 августгача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 103-уй.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
1985-86 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Саноат ва граждан қурилиши (кечки ва сиртқи бўлимга), **сув таъминоти ва канализация** (кечки бўлимга), **иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция** (кечки бўлимга), **қурилиш экономикаси ва уни ташкил этиш** (кечки бўлимга), **шаҳарлар қурилиши** (кечки бўлимга), **қишлоқ хўжалик қурилиши** (сиртқи бўлимга).

Кечки ва сиртқи бўлимларда ўқиш муддати — 6 йил.

Кечки ва сиртқи бўлимларга аризалар 10 сентябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 11-31 август ва 1-10 сентябрь кунлари ўтказилади.

Студентликка қабул 16-20 сентябрь кунлари ўтказилади.

Институт ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), олий ўқув юртига кириш учун берилган характеристика, 086/У формадаги медицина справкаси, бош кийимсиз тушилган 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (тасдиқланган).

Паспорт ва ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Институтга архитектура ва қишлоқ аҳолиси пунктларини планировкалаш мутахассислиги бўйича кирувчилар расм, чизмачилик, математикадан (оғзаки), физика (оғзаки), она тили ва адабиётидан (ёзма), бошқа мутахассисликларга кирувчилар математика (ёзма ва оғзаки), физика (ёзма), рус тили ва адабиётидан (ёзма) имтиҳон топширадилар.

Ўрта мактабни олтин медаль билан ҳамда махсус ўқув юртини ва ўрта ҳунар-техника билим юртини «имтиёзли» диплом билан битирганлар фақат математикадан (ёзма) битта имтиҳон топширадилар. Улар бу имтиҳондан «беш» баҳо олсалар бошқа имтиҳонларни топширишдан озод қилинадилар, агар «тўрт» ёки «уч» олсалар қолган имтиҳонларнинг ҳаммасини топширадилар.

Мурожаат учун адрес: 703047, Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70-уй (7-автобус ва 19-маршрутли таксининг «Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти» бекати). Телефон 3-20-25.

ТОШКЕНТ ТОПОГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ
1985-86 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техник-геодезиячи, техник-картограф, техник-топограф (8-синф ҳажмида маълумот билан); **инженерлик геодезияси техниги, техник-топограф, техник-аэрофотограмметрист, техник-картограф** (10-синф ҳажмида маълумот билан).

Ўқиш муддати 8-синф ҳажмида маълумот билан — 3 йилу 6 ой, 10-синф ҳажмида маълумот билан — 2 йилу 6 ой.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Яхши ўзлаштираётган ўқувчилар ойига 30 сўм миқдорида стипендия оладилар, аълочиларга стипендия 25 процент кўпайтириб берилади.

Машғулотлар рус тилида олиб борилади.

Техникумни битириб, имтиёзли диплом олган ўқувчилар ўқишни давом эттириш учун институтларга юборилади.

Миллий мактабларни битирган кишилар учун 1 августдан бошлаб рус тилини мукаммал ўрганиш бўйича бепул қўшимча машғулотлар ташкил этилади.

Аризалар 8-синф ҳажмида маълумотлилардан — 31 июлгача; 10-синф ҳажмида маълумотлилардан 15 августгача қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб тақдим этилади: маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), медицина справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлаётганлар учун).

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади, 8-синф ҳажмида маълумотлилар — математика (оғзаки), **рус тили** (диктант); **10-синф ҳажмида маълумотлилар—математика** (оғзаки), **рус тили ва адабиёти** (иншо), миллий мактабларни битирганлар учун (диктант) **фанларидан имтиҳон топширадилар.**

8 ёки 10-синфларни 4 ва 5 баҳолар билан битирганлар барча ихтисослар бўйича ўқишга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Мурожаат учун адрес: 700125, Тошкент шаҳри, 125-алоқа бўлими, М. Горький проспекти, 82-уй (6, 13, 22-трамвайлар, 18-троллейбус; 1, 17э-автобусларнинг «Маданият институти» бекати). Телефонлар: 62-57-87, 62-57-78.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
КУТУБХОНАШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИНИ
1967 йилда тугатганлар билан
6, 7 СЕНТЯБРДА
УЧРАШУВ ЎТКАЗАДИ

Учрашув Тошкент давлат маданият институти биносида ўтказилади.

«ЎЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» БОШҚАРМАСИГА

электромонтажчилар, электрослесарлар, такелажчилар, пайвандчилар

КЕРАК

Ёлғизларга ётоқхонадан жой берилади, болалар боғчалари ва профилакторий бор.

Мурожаат учун адрес: Олмалиқ шаҳри, Энгельс кўчаси

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

26 ИЮЛЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Горнчилар, қаердасиз!». 10.10— Телефильм. 10.30 —Мультфильм. 11.00— «Унинг ҳаёт соҳили». Бадиий фильм. 2-серия. 12.05 ва 15.00—Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — «Ўсмирлар ижоди». 16.30—Рус тили. 17.00 «Москва. Фестиваль». 17.30 Концерт. 18.10—Болалар учун фильм. 19.15—«Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильмлар. 20.00—Концерт. 20.25— «Унинг ҳаёт соҳили». Бадиий фильм. 3-серия. 21.30—«Время». 22.05 —Концерт. 23.05—«Дунё воқеалари». 23.20—Жаҳон фестивали кундалиги.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — «Ҳамма нарсани билишни истайман». 9.25 — «Ҳавода сузувчи». Бадиий фильм. 10.55—Ҳужжатли фильмлар. 11.35—Концерт. 11.55 — Инглиз тили. 12.25—Болалар учун фильм. 13.55— Ҳужжатли фильм. 14.05—Совет тасвирий санъати. 14.55—Концерт. 16.15 ва 18.30— Янгиликлар. 18.45— «Ғирром уруш». 19.15 — Концерт. 19.35 — «Онамларнинг мактаби». 20.05 — Телефильм. 20.30—«Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.50—Волейбол. Халқаро турнир. 21.30—«Время». 22.05— «Аёлларни авайланг». Бадиий фильм. 1- ва 2-серийлар.

ТОШКЕНТ-I. 7.50— Телефильм. 8.20—«Врач маслаҳати». 8.30— «Ахборот». 8.50— Мультфильм. 9.00—«Бойчечак». 9.30 — «Тўфон». Бадиий фильм. 10.50 ва 18.00—Янгиликлар. 18.15 — Фильм-концерт. 18.30 — «Ҳаёт каби тириқ». 19.05— «Ноз-неъмат бунёдкори». 19.30 — «Ахборот». 19.45— «Салом, фестиваль!». 20.30—«Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время» 22.05—Кино оламида. 23.15 «Халқаро аҳвол кундалиги».

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.20 — Москва-II. 18.25—Физика. 18.55 — Реклама. 19.05 — Шеърият дафтаридан. 19.30 — Телефильмлар. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.25 — Дўстлик тароналари. 21.00 — «Касблар ҳақида ҳикоялар». 21.30 Москва-II

РАДИО

26 ИЮЛЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Биз сизга қўшиқ ҳадя этамиз». 9.30 —«Ғолиблар». 11.15 — «Юность». 12.10 — «Узбекистан индустриальний». 13.00 — «Чорвадор». 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — Болаларга шеърлар. 16.00 — «Дўстларимиз овози». 17.00 — Ўқувчилар учун эшиттириш. 18.15 — Халқаро кундалик. 18.30 — Концерт. 19.25 — «Ешлик». 20.50 Концерт. 22.30 — «Чол ва денгиз». Радиопостановка.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53 16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.